

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КРЕДИТ ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

“БАНК ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

ТУРСУНОВ АСҚАР АБДУЛЛАЕВИЧ

**МАВЗУ: БАНКЛАРНИНГ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**5230700 – “Банк иши” таълим йўналиши
бакалавр даражасини олиш учун ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимояга тавсия этилади:

“Банк иши” кафедраси мудири _____

Саидов Д.А.

2016 йил “___” _____

Илмий раҳбар:

_____ кат.ўқит. Т.Болтаев

2016 йил “___” _____

ТОШКЕНТ-2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-5
I БОБ. ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ, ТАСНИФЛАНИШИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ	6-26
1.1. Валюта операциялари моҳияти ва уларни таснифланиши ...	6-20
1.2. Валюта операцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари	20-26
II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ	27-48
2.1. Тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган валюта операциялар ва уларни амалга ошириш тартиби	27-40
2.2. Тижорат банклари валюта операцияларини амалдаги ҳолати таҳлили	40-48
III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	48-67
3.1. Тижорат банклари валюта операцияларини амалга оширишдаги муаммолар	48-58
3.2. Банк валюта операцияларини ривожлантириш истиқболлари	58-67
ХУЛОСА.....	68-70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	71-75

КИРИШ

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан сўнг, ўтган қисқа вақт мобайнида банк соҳаси ривожланиши учун катта имкониятлар яратилди, тижорат банкларининг фаолияти ушбу қисқа даврда кутилгандан ҳам унумлироқ тарзда такомиллашди. Тижорат банкларининг такомиллашишининг асосий сабабларидан бири, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалигидаги иштироки салмоғи ошиб, халқаро иқтисодий муносабатлар кўлами кенгайиб бораётганидир. Бозор иқтисодиёти ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига кенг миқёсда кириб бораётган ҳозирги шароитда банк тизимиغا, ушбу тизимда бошқарув жараёнларини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга бўлган талаб янада кучаймоқда. Зеро, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам мамлакатимиз раҳбари молия-банк тизимидаги ислохотларга алоҳида тўхталиб, ушбу соҳада кўплаб низом ва меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш лозимлигини айтиб ўтган эдилар.

Жаҳон миқёсида савдо-сотиқ ишларининг ўсиш суръати сезиларли даражада сустралгани, экспорт қилинадиган энг муҳим товарларга нисбатан ташқи талабнинг камайиши ва нархларнинг пасайишига қарамасдан, биз ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришдик. Бу эса давлатимизнинг олтин-валюта захирасини ошириш имконини берди ¹.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий пировард мақсади мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ қарор топишидан иборатдир. Ушбу жараёнда иқтисодиётни глобаллашуви шароитида валютани тартибга солишнинг самарали тизimini вужудга келтириш, валюта соҳасида юзага келадиган

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб беришдир: мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016 – 88 б..

турли ҳолатларни иқтисодийнинг бошқа соҳаларига нисбатан салбий таъсирини олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга жаҳонда рўй бераётган молиявий иқтисодий инқироз шароитида пул-кредит ва валюта муносабатларини тартибга солиш, Республика валюта биржаси ва биржадан ташқари валюта бозорларини ривожлантириш, тижорат банклари валюта операцияларини такомиллаштириш масалаларини чуқур таҳлил қилиш зарурдир.

Шу сабабли “Банкларнинг валюта операциялари ва уларни ривожлантириш йўллари” шубҳасиз, ҳозирги замон долзарб мавзулардан биридир.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг асосий мақсади - валюта операцияларининг иқтисодий мазмунини ва моҳиятини очиқ бериш, валюта операцияларини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун илмий иш олдига қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- тижорат банклари валюта операциялари моҳиятини очиқ бериш, таснифлаш ва уларнинг турларини кўрсатиб бериш;
- -валюта операцияларини амалга ошириш ва тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- тижорат банкларининг валюта операцияларини амалга ошириш тартибини ўрганиш;
- тижорат банклари валюта операцияларини амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;
- тижорат банкларининг валюта операцияларини ўтказишдаги муаммолари ва уларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирларни ўрганиш;
- тижорат банклари валюта операцияларини ривожлантириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Битирув малакавий иши объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари валюта операциялари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети валюта операцияларини амалга оширишдаги иқтисодий муносабатлардир.

Битирув малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, ундаги таклифлар ва хулосалар тижорат банкларининг валюта операцияларини такомиллаштириш бўйича тадбирларини ишлаб чиқишда, шунингдек иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида пул, кредит ва банklar, банк иши ва халқаро валюта-кредит муносабатлари фанларида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг таркиби ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

I БОБ. ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ, ТАСНИФЛАНИШИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

1.1. Валюта операциялари моҳияти ва уларни таснифланиши

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан сўнг ўтган вақт мобайнида банк соҳаси ривожланиши учун катта имкониятлар яратилди. Тижорат банкларининг фаолияти ушбу қисқа даврда кутилгандан ҳам унумлироқ тарзда такомиллашди. Тижорат банкларининг такомиллашишига сабаб, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалигидаги иштироки салмоғи ошиб, халқаро иқтисодий муносабатлар кўлами кенгайиб бораётганидир.

Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланган молия бозорисиз кўтарила олмайди. Валюта бозори эса, молия бозорининг бир қисмидир.

Валюта операцияларида валюта курсини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Нисбатан иқтисодий эркин мамлакатларида курс асосан йирик банклар ва йирик миллий ҳам трансмиллий компания ва корпорацияларнинг маркет-маиклерлари тоонидан кутилаётган талаб ва таклиф ўртасидаги фарқга боғлиқ ҳолда ўрнатилади.

Валюта курси - бу бир мамлакатнинг пул бирлигини олди-отди битимида қатнашишида бошқа бир мамлакат пул бирлигида намоён бўлишини кўрсатувчи қиймат ҳисобланади. Бу баҳо эркин бозор шароитида маълум бир валютага бўлган талаб ва таклифнинг нисбатан келиб чиқиб ўрнатилади ёки ҳукуматнинг давлат банки ҳисобланмиш Марказий банк томонидан ўрнатилади. Бироқ, одатда валюталарни қийматини етакчи бошқараётган молия-кредит органларининг ўзаро таъсири натижаси эркин бозорда курсларни кўтарилиши ёки тебранишидан қочишга интилиши бўйича аниқланади.

Чет эл валюталари қандай катировкаланади? Кўпгина давлатларда тўғри котировка қўлланилади. Бунга мувофиқ, айирбошлаш курслари маълум бир чет эл валютасини эквивалентини кўрсатади. Котировка валюталар

турига қараб 1, 10, 100 ва 1000 бирликда бўлиши мумкин. Бунда, чет эл валютасини Швецария франки, АҚШ доллари нисбатан ва шу қабилар.

Масалан: 1 АҚШ долл=3000,00 сўм, 1 АҚШ долл=60,00 рубль.

АҚШда ички мақсадлар учун тўғри катировкадан фойдаланадилар. Яъни, чет эл валютасининг баҳоси АҚШ (банк) долларида ифодаланади. Бироқ, чет эл валютаси билан боғлиқ халқаро операцияларда АҚШ банклари «Европа шартларига» риоя қилади, яъни эгри катировкадан фойдаланиладилар. Бунга мувофиқ, америка банки чет эл валюталарининг катировкасини бир долларга нисбатан олмайди, балки уларни 100 бирликка нисбатан ва уларни долларга эквивалентида олади. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида валюталарини курслари тўғри катировка орқали аниқланади.

Буюк Британия эгри катировкадан фойдаланувчи мамлакатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Лондонда Нью-Йоркда фарқли ўлароқ АҚШ долларининг курси n-доллар 1 фунт стелингга нисбатан катировка қилинади. Бошқача айтганда, эгри катировкалар тизимида фунт ёки доллар бошқа бир валютанинг бир валютанинг бирлигини намоён этади. Бироқ бунга қарамасдан, турли мамлакатдан икки шерик валюта битимини амалга оширмоқда бўлса, улар бир шеригининг валютаси билан операцияни амалга ошириши учун эгри катировкадан фойдаланишга мажбур. Йирик ҳажмда валюталар олди-сотди бўлганда дилерлар одатда долларларнинг курсини катировка қиладилар.

Бу ҳолатни бошқа йирик молия марказларида ҳам кўриш мумкин. Масалан: 2016 йил 29 январ куни биржанинг ёпилишида курслар қуйидагича бўлган.

1-жадвал.

Жаҳоннинг етакчи валюта курсларининг катировкаси¹

№	КУРСЛАР	Сотиб олиш	Сотиш
1.	АҚШ доллари /шв. франки	1,4590	1,4600
2.	АҚШ доллари /фунт. стер	1,6454	1,6444

¹ Интернет маълумотлари

Юқорида қайд этилган курслар банклар ўртасидаги бўладиган операциялардан сотиб олувчи ва сотувчининг курсларини ўзида намоён этади. Шунингдек, мижоз билан ҳам банк ўртасидаги курсларни намоён этади.

Валюта операциялари - бу хорижий валютада ва валютавий қимматликлар билан бўладиган олди-сотди операцияларидир.

Хорижий валюта деганда давлатларнинг банкноталари ва алмашинувчи тангалари тушунилади.

Валютавий қимматликларга қуйидагилар киради:

- хорижий валютада ёзилган қарз мажбуриятлари, яъни оддий векселлар ва тратталар;
- хорижий валютадаги ёзилган қимматли қоғозлар;
- олтин, платина ва бошқа қимматбаҳо металллар, тошлар.

Валюта операциялари асосан валюта бозорларида амалга оширилади. Валюта бозорлари деганда миллий валюта хорижий валюта харид қилиш ёки сотиш юз берадиган ва бунда валюта курслари уларга бўлган талаб ва таклиф натижасида юзага келадиган расмий валюта-молия бозорининг энг йирик жаҳон марказлари Лондон, Нью-Йорк, Франкфурт Майн ва Токио ҳисобланади. Бу шаҳарларда кўп сонли бўлишлар тармоғига ва эркин нақд чет эл валютасига эга жуда йирик жаҳон тижорат банклари фаолият кўрсатади.


Валюта операцияларига қуйидагилар киради:

- валюта бойликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўзга шахсга ўтиши ҳамда валюта бойликларини тўлов воситаси сифатида ишлатиш билан боғлиқ операциялар;
- валюта бойликларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва жўнатиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ва жўнатиш;
- халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш;
- резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги миллий валютадаги

операциялар.

Валюта операцияларининг умумий таснифи жорий халқаро операцияларга ҳамда капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларга бўлинади.

Валюта бозорларида амалга ошириладиган валюта операциялари моҳиятига кўра қуйидагича бўлинади:



1-расм: Валюта операциялари таснифланиши¹

Ўз навбатида, барча валюта қийматликлари билан амалга ошириладиган операциялар ўз характери ва намоён бўлиш усулига кўра қуйидагиларга бўлинади:

1. Спот типигаги валюта операциялари;
2. Муддатли валюта операциялари:
 - Форвард типигаги валюта операциялари;
 - валюта опционлари билан боғлиқ валюта операциялари;
 - валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган в.о.
3. Своп типигаги валюта операциялари.

Касса битимлари (нақд битимлар) ёки СПОТ операциялари.

Спот операцияси - бу битим кунини ҳисобга олмаган ҳолда икки иш куни давомида валюта айрибошладир.

¹ Манба: Абдуллаева Ш. Халқаро валюта кредит муносабатлари. Тошкент 2005 йил

Спот курс - бу спот битим тузилаётган вақтда бир мамлакат валютасини бошқа бир мамлакат валютасидаги баҳосидир. Спот курс унинг сузиб юрувчи ёки қатъий белгиланган режимда ишлашдан қатъий назар операция амалга оширилаётган вақтда миллий валюта чет эллардаги қадри канча эканлигини ўзида акс эттиради.

Асосан спот битимларининг курси - бу телеграф ўтказмаси курсидир. спот- курс икки хил йўл билан аниқланади:

- валюта биржасида дилерларнинг юзма-юз савдо қилиши орқали
- биржадан ташқари савдода дилерларнинг ўзаро телефон орқали савдосида аниқланади.

Валюта курси сотиб олиш курси (харидор курси) ва сотиш курси (сотувчи курси)га бўлинади. Валюта котировкасини амалга оширувчи банк валюта битимини ҳар доим ўзи учун фойдали курс бўйича амалга оширади. Банклар хорижий валютани ҳар доим қимматга сотиб (сотиш баҳоси), арзонроққа сотиб олишга (сотиб олиш баҳоси) ҳаракат қиладилар. Бу спекулятив операцияларнинг асосий тамойилидир.

Сотиш ва сотиб олиш курслари орасидаги фарқ маржа деб аталиб, банк харажатларини қаплаш ва қисман валютарискини суғурталашга йўналтирилади. Агарда банк амалга оширилган битимни худди шу курслар асосида таклиф қилинган контрбитим ҳисобига қопласа, у маржа ҳисобига фойда кўради. Шунинг асосида банклар валюта операциялари бўйича мижозларни кўпроқ жалб қилишдан манфаатдор.

Спот операцияларидан келадиган фойда маржага тенг деса ҳам бўлади, албатта комиссия ҳақини чегириб ташланади.

Умуман олганда спот операциялари 1 томондан қисқа вақтда юқори фойда олишга имконият берса, иккинчи томондан мавжуд валюта операциялари орасида риск даражасида энг юқори бўлган валюта операцияси ҳисобланади. Сабаби шуки, спот операцияларининг амалга ошириш вақти қисқалиги туфайли уни суғурта қилинмайди. Шунинг учун банклар пайшанба ва жума кунлари спот операцияларини катта ҳажмда амалга

оширмайдилар, чунки бунда спот операцияси муддати узайиб кетади. Худди шу сабабга асосан, банклар узун ва қисқа валюта позицияларини ҳам максимал даражада қасқартиришга ҳаракат қиладилар.

Банкнинг валюта позиция деганда хорижий валютадаги талаб ва мажбуриятларининг ўзаро нисбати тушунилади.

Агар маълум бир валюта тури бўйича талаблар суммаси мажбуриятлар суммасидан юқори бўлса, банкнинг ушбу валютага нисбатан позицияси «узун» дейилади.

Аксинча, мажбуриятлар суммаси талаблар суммасидан катта бўлса, позиция «қисқа» дейилади. Агарда мажбуриятлар суммаси талаблар суммасига тенг бўлса, банк бу валюта бўйича «ёпиқ» позицияга эга ҳисобланади.

Бу валюталардан бири банк учун яхши бошқаси ёмон деб бўлмайди.

Чунки агарда банк мисол учун АҚШ доллариға нисбатан «қисқа» позицияға эга бўлса ва USD курси тўсатдан кўтарб кетса, банк зарар кўриши аниқ. Курс ошиши прогноз қилинаётган вақтда позициянинг «узун» бўлгани маъқул.

Лекин, агарда валюта курси тушиб кетиши (USD) прогноз қилинганда «узун» позициянинг яхши томони йўқ. Албатт, ўз маблағларини гаровға тиккиси келмаган банклар валюта позицияларини «ёпиқ» ушлашлари мумкин, лекин бунда улар курс ўзгаришдан келиши мумкин бўлган фойдадан ҳам маҳрум бўладилар.

Муддатли валюта операциялари деб белгиланган муддатда, аммо икки иш кунидан ошиқ бўлган муддатда, амалға ошириладиган операцияларға айтилади.

Амалиётда муддатли битимларнинг қуйидаги кенг тарқаган турлари мавжуддир. Уларға қуйидагиларни киритиши мумкин:

1. Форворд валюта битимлари;
2. Фьючерс битимлари;
3. Валюта опциони;

4. Своп операциялари.

Муддатли битимларнинг кенг тарқаган турларидан бири форвард валюта битимидир.

Форвард валюта битими - бу воз кечиб бўлмайдиган ва банк билан унинг мижози ўртасидаги маълум миқдордаги келишилган валютани битим тузилаётган вақтда қайд қилинган айирбошлаш курсида келажак муддатларда шартноманинг мажбуриятларининг бажарилишидир. Бу вақт аниқ бир сана ёки икки сана орасини намоён қилади. Форвард валюта битимининг ўзига хос омиллари мавжуд:

а) бу воз кечиб бўлмайдиган ва мажбурий шартномадир. Битим тузилгандан кейин мижоз битимдан воз кечишга ҳаққи йўқ. Мижоз шартномада кўрсатилган чет эл валютасини сотиб олиши ёки сотиш шарт;

б) битим ет эл валютасидаги аниқ бир суммани ташкил этади. Мижоз битимда кўрсатилган суммадан кўпроқ валютани сотиб олишга ҳам, сотишга ҳам ҳаққи йўқ;

в) битим келишилган аниқ бир санада бажарилиши шарт. Мижоз форвард битимининг бажарилиш санасини узоқлаштира ёки яқинлаштира олмайди.

Агар банк сотиш ва сотиб олиш ҳақида бидам тузса, у фақат мижози билан келишмай, балки ташқи валюта бозори билан алоқа қилади. Бу шуни англатадики, банк мижози ёки бир қанча мижозлари билан тузган форвард битимлари учун албатта валюта бозори орқали валютанинг сотиб олиниши ёки сотилишини қопланишни таъминлаши керак. Дилернинг «позиция»си ҳар қандай маълум куннинг ёки давр охирида доимо тенг ҳолга олиб келиши шарт. Бу шуни англатадики, сотиб олинаётган ва сотилаётган валюталар баланслаштирилади.

Агар мижоз қандайдир сабаб билан битим шартларини бажараолмаган ҳолда банк шартларини бажараолмаган ҳолда банк барибир бозор билан тузган битимини бажариши керак бўлади. Шунинг учун банк мижозидан битимда келишилган барча шартлар бажарилишини талаб қилиши шарт,

мижоз шартларни бажара олмаган тақдирда банк битимнинг уддатини «узайтиради» ёки «ёпади».

Форвард валюта битими қатъий белгиланган ёки опционли бўлади.

а) қатъий белгиланган валюта битими бу келажакда аниқ бир санада бажарилиши шарт бўлган битим.

б) опционли валюта битими бу мижданинг хохишига кўра ёки - битим тузилган вақтдан унинг бажарилишигача бўлган давр ичида ҳоҳлаган амалга оширилади.

Форвард курси спот курсидан форвард маржаси миқдориға фарқ қилади. Маржа мукофот кўринишда бўлиши мумкин, бунда форвард - курс сопт-курсдан юқори бўлади; ёки дисюнт (чегирма) кўринишида бўлиши мумкин, бунда форвард курс спот-курсдан паст бўлади.

Асосан фовард валюта битими тўловларни суғурталаш учун қўлланилади.

Барқарор иқтисодиёт ва капиталларнинг эркин ҳаракати шароитида форвард бозоридаги нархлар фоиз ставкаларидаги фарққа боғлиқ. Форвард курси банклараро кредит бўйича фоиз ставкалари нисбатининг спот курсга кўпайтмасига тенг.

Бунда

$$\Phi = C \cdot (1 + P_a \cdot T / 360) / (1 + P_b \cdot T / 360)$$

Φ - валюта форвард курси;

С - валюта жорий (спот) курси;

Р_а, Р_б - банклараро кредит бўйича фоиз тавкалари;

Л - ЛИБОР ставкаси (банклараро депозит бўйича Лондон ставкаси).

Муддатли валюта операцияларидан яна бири бўлган молиявий фьючерс битимлари 70-йилда ҳалқаро валюта бозорида бринчи бор қўлланилишининг ўзидаёқ кенг тарқалди. Бу активларни битим имзоланаётган пайтдаги нархлар бўйича бирор вақт ўтиши билан олди-сотдисидир.

Бу олди-сотди операцияси фьючерс шартномаси ёки асосила амалга оширилади. Унда муддат, миждозларнинг х/раками, қатнашчилари, контроагентлар, олди-сотди объекти, мол етказиб бериш муддати, мол миқдори ва нархлари кўрсатилади.

Валюта фьючерси эса - бу келажакда валюта олди-сотдисига тузилган шартнома у бўйича сотувчи кўрсатилган муддатда ўртатилган муддатда ўрнатилган курс бўйича аниқ бир валюта миқдорини сотиш, харидор эса шу валютани шу шартларда сотиб олиш мажбуриятларини оладилар.

Фьючерс шартномаси унинг бажарилиш муддати етиб келгунга қадар харидор томонидан сотилиб, кейинги харидорлар ҳам қайта сотилиши мумкин. Шунинг учун фьючерслар савдосида:

- валютани келажакда валюта курси ўзгаришини кўра билиш;
- фьючерс амал қилиш муддатида доимо курс ўзгаришларини кузатиб бориш ва нохуш тенденция кўрина бошланганда ундан ўз вақида холис бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Фьючерс шартномалари икки вазифани амалга оширади:

а) инвесторларга бозорда валюта курсининг нохуш ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган рискни хежирлашга имкон беради;

б) биржадаги спекулянтларга бундан фойда олишга имкон беради.

Фьючерс битимлари форвард битимларидан фарқ қилган ҳолда:

- жуда оддий бекор қилинади;
- валютанинг қатъий белгиланган суммасига тузилади (масалан, АҚШ долларига фьючерс бўйича 25000 ф.ст., АҚШ долларига фьючерс бўйича 125000 евро ва х.к.);
- расмий биржаларда сотилади ва бунда фақат оғзаки олди-сотди қилиш тан олинган;
- Фьючерс сотувчилари фьючерс мажбуриятларининг бажарилишини кафолатлаш учун биржа дилерларига пуллик маржали тўлашни кўзда тутишлари керак.

Форвард ва фьючерс битимларига берилган тарифларга қараганда бу иккала операция ҳам бир хилдек тугилиши мумкин. Аммо, бу иккала муддатли операцияларнинг фарқи мавжуд бўлиб, бу фарқни уларнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги жадвалда солиштириш орқали аниқлаб олишимиз мумкин.

2 - жадвал

Валюта конверсияси бўйича тузилган форвард ва фьючерс битимларининг фарқи¹

	Форвард	Фьючерс
Шартнома ҳажми	Алоҳида ёндашув	Стандартлашган
Етказиб бериш санаси	Алоҳида ёндашув	Стандартлашган
Шартнома баҳоси	Банк ёки брокер томонидан телефон орқали харидор ва сотувчиларнинг чекланган миқдори билан белгиланади	Биржада харидор ва сотувчиларнинг очиқ аукционда аниқланади
Иштирокчилари	Банклар, брокерлар, ТМК, институционал фондлар	Банклар, брокерлар, ТМК, институционал фондлар ва кичик трейдерлар
Ҳақ	Дилернинг харид ва сотиш курси ўртасидаги маржа билан аниқланади	Брокернинг ҳаққи наشر қилинади
Маржа	Бўлмайди, лекин банк ўз балансини қоплашни талаб қилиши мумкин	Маржинал депозит талаб қилинади
Клиринг	Алоҳида банк ва брокерлар томонидан амалга оширилади. Алоҳида клиринг палатаси мавжуд эмас.	Клиринг палатаси томонидан амалга оширилади. Бозор курси ва маржа тебранишининг кунлик ҳисоб – китоблари қилиниши лозим
Операцияни бажариш жойи	Телефон ва компьютер тармоғи орқали	Бутун жаҳон билан боғланган Марказий биржа
Очиқлиги	Йирик мижозлар учун	Суғурта хизмати ёки рискли капиталга эга бўлган барча шахслар
Ўтказма даврийлиги	90% кўп ҳисоб – китоблар ҳақиқий ўтказма бажарилади	Ҳақиқий ўтказма умумий ҳажмнинг 1%дан кам
Нархнинг тебраниши	Кунлик чекловлар мавжуд эмас	Кунлик чекловлар мавжуд эмас

Муддатли валюта операцияларининг яна бир тури - бу валюта опционлари ҳисобланади.

¹ Т.С.Расулов. Валюта муносабатларининг назарий асослари. Тошкент, «Молия» нашриёти, 2007 йил. Б-145.

Валюта опцион харидага маълум бир муддат ёки муддат оралигида маълум бир қийматдаги валютани опцион белгиланган нарх бўйича сотиш ёки юарид қилиш ҳуқуқини беради. Ўз навбатида опционни сотувчи брокер (дилер) харидор олдида келажакда муайян муддатда қатъий белгиланган нарх бўйича муайян миқдордаги валютани харид қилиш ёки сотиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Бундан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, опцион валюта рискларидан суғурталаш шакли бўлиб, эгасини алмашилиш курсининг келишилган стрейк-баҳога нисбатан ноҳуш ўзгаришидан ҳимоя қилади ва агарда алмашилув курси стрейк-баҳога нисбатан ижобий томонга ўзгарса, фойда олиш имкониятини беради.

Опцион харидори (эгаси) опцион сотувчиси ёки опционни тўлдирган шахсга премия тўлайди. Опцион олдиндан белгиланган муддатгача кучга эга. Ушбу муддат деб юритилади. Опцион турли хилдаги товарлар учун (ер, қўмас мулк, ет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва фьючерс контрактлари) тузилиши мумкин. Шунингдек, у товарни амалда етказиб берилишини кўзда тутмаслиги мумкин (бундай опционга «ҳисоб-китоб» опционни дейилади).

Опционларнинг уч тури мавжуд:

1) харид қилиш учун опцион ёки «холл-опцион». Бундай опцион эгасига келажакда курси ошиб кетиши мумкин бўлган валютани нисбатан паст стрейк-баҳода харид қилиш ҳуқуқини беради;

2) сотиш учун опцион ёки «пут-опцион» эгаси келажакда курси тушиб кетиши мумкин бўлган валютани нисбатан юқори стрейк-баҳода сотиш ҳуқуқини беради;

3) иккиёқлама опцион ёки «путколл опцион» эгаси базис баҳода валютани сотиб олиш ёки сотиш мумкин.

Опционларнинг икки стили мавжуди:

- Европа стилидаги опцион фақат ўрнатилган санада ишлатилиши мумкин;

- Америка стилидаги опцион муддати оралигида ҳоҳлаган пайтда ишлатилиши мумкин.

Опцион битими опцион эгаси учун мажбурий бўлмагани учун агар опцион амалга оширилмаса уни сотиб юбориши ёки ишлатилмаганга қолдирилиши мумкин.

Опцион билан форвард битими орасидаги асосий фарқлар, бу:

- харидор апсайддан даромад олади;
- харидор дауисайддан ҳимояланган;
- харидор опцион учун премия тўлайди.

Своп операцияси - бу бир вақтнинг ўзида чет эл валютасини ҳар хил санага турли ҳисоб-китоблар шартида тенг суммада сотиб олиш ва сотишдир.

Яъни своп - бу валютани келажакда сотиб юбориш гарови билан қандайдир вақтга сотиб олишдир. Бунда бир вақтнинг ўзида валюта алмашуви бўйича иккита алоҳида битим тузилади. Бу битимлар қарама-қарши йўналишга ва турли ҳисоб-китоб санасига эга бўлади. Биринчи битим бўйича биринчи валюта иккинчисига сотиб олинади ва муайян бир муддатда етказиб берилади. Иккинчи битим бўйича биринчи валюта иккинчи валютага сотилади ва бошқа бир муддатда етказиб берилади.

Своп операциялари кўпгина банклар томонидан ўзларининг чет эл валютасидаги мажбуриятларини қоплаш мақсадида фойдаланилади. Своп операциялари ёрдамида банклар ўз валюта позицияларини мувофиқлаштиришлари ҳамда валюта курсларининг тебранишни олдини олишлари мумкин. Своп операцияси икки банк томонидан амалга оширилганда бир банк иккинчисига бир валютани, иккинчиси иккинчи валютани алмашади ва қандайдир вақт ўтиши билан валюталар қайтариб олинади. Айбошлаш бир вақтда икки қарама-қарши валюта битими шаклида олиб борилади ва валюталарни етказиб бериш муддатлари турлича бўлади. Битимларнинг бири-спот иккинчиси-форвард кўринишда бўлади. Натижада иккила банк форвард битими орқали сотгунга бўлган вақтга спот битими орқали харид қилинган валютага эга бўлади.

Своп операцияларининг ўзига хос белгиси - бу спот в форвард курсларнинг бир вақтда ўрнатилишидир. Асосан бу икки курс қиймат

жихатидан ажралади. Бир вақтда спот ва форвард курслар ўрнатилишида улар орасидаги фарқ, яъни маржа арбитраж муддатига белгиланган. Шу своп бўйича маржа арбитражнинг асосий даромад манбаи ҳисобланади.

Валюта операцияларида арбитраж деганда фойда олиш мақсадида валюта олди-сотдси бўйича операциялар тушунилади.

Арбитраж икки хил: валютали ва фоизли бўлади.

Валютали арбитраж - бу харид қилинган валютани шу вақтнинг ўзида сотиб юборишдир. Бунда фойда валюта курслари фарқидан олинади. Оддий валюта арбитражида бир ёки икки хорижий валюта ва миллий валюта иштирок этади, мураккаб валюта арбитражида ундан кўпроқ валют иштирок этади. Вақтли валюта арбитражида валюта биринчи спот-курс бўйича харид қилинди ва уни депозитга қўйилади ва депозитда ушланади, кейин уни депозитда олиб иккинчи спот-курс бўйича сотилади.

Кенг валюта арбитражида валюта бир валюта бозорида сотиб олиниб, бошқа валюта бозорларида юқорироқ курсда сотилади.

Арбитражнинг яна бир тури фоизли арбитраждир. Пул бозорида фоизли арбитраж деганда муайян миқдодаги пулни бир фоиз эвазига қарзга олиш ва бошқа юқорироқ фоиз эвазига кредитга бериш тушунилади.

Форвард қопламали фоизли арбитраж - бу валютали спот-курс бўйича харид қилиш, уни депозитга жойлаштириш ва айна вақтда форвард курси бўйича сотишдир.

Форвард қопламасиз фоизли арбитраж - бу валютани спот-курс бўйича харид қилиш, уни депозитга жойлаштириш ва депозит муддати тугагандан сўнг спот-курс бўйича сотишдир.

Ҳозирги валюта рискларининг кескин ўсиб бориши қопламасиз фоизли арбитражни валюта спекуляциясига айлантирадидеса ҳам бўлади.

Валюта спекуляцияси - бу валюта riskини олдиндан билиб қабул қилиш билан боғлиқ операциядир. Бунда даромад вақт оралиғида ёки турли валюта бозорларида валюта курсларининг ўзгаришидан олинади.

Валюта спекуляцияларига биринчи навбатда нақд ва нақдсиз валюта курси орасидаги фарқда ўйнаш киради, бунда миллий валютага эркин алмашинувга валюта харид қилинади, сўнгра у нақдсизлаштирилади ва миллий спекуляцияларининг бир тури лидз энд легз операцияларидир. Бу ҳисоб-китоблар муддатини молиявий ёки бошқа фойда олиш мақсадида узайтириш ёки тезлаштириш билан боғлиқ валюта операцияларидир. Лидз энд легз шартнома томонларининг х/к муддати ва шартларини ўзгартириш бўйича келишув кўринишида расмийлаштирилади.

Лидз энд легзнинг асосий шакллари:

- товар ва хизматларнинг ҳақини муддатигача тўлаш ёки тўловни тўхтатиб туриш;
- тижорат операциясининг ўзининг муддатини суриш ёки уни кредитга расмийлаштириш;
- даромадлар репатриацияси, фоизлар тўлаш, дивидендлар тўлаш ёки кредитларни қоплашни тезлаштириш (чўзиш);
- бошқа манипуляция кўринишлари. Шундай қилиб, лидз энд легз операциялари спекулятив характерга эга, лекин бошқа спекуляциялардан фарқли ўлроқ у товар-материал қийматликлар ва пул маблағларининг реал харакатига асосланган.

Хеджирлаш термини банк, биржа ва тижорат амалиётида келажакдаги валюта курсларининг нохуш ўзгаришидан валюта рискларини суғурталашнинг турли ҳил усуллари ифодаси сифатида қўлланилади.

Хеджирлаш операцияларининг икки тури мавжуд:

- курс ўсишга хеджирлаш ёки харид билан хеджирлашда муддатли
- форвард ёки опцион битимларини харид қилиш билан боғлиқ биржа операциялари тушунилади. Буни яна «узун хедж» деб ҳам юритилади. Агар сизга валюта масалан, икки ойдан кейин керак бўлса, лекин у пайтгача валюта курси ошиб кетиши тахмин қилинса, сиз ҳозирдан узун позицияни эгаллаб бугунги нархда форвард (опцион) битимини сотиб олишингиз

мумкин. Шу йўл билан курс ўсишига хеджирлаётган хеджер ўзини келажакда курс ўсишидан суғурталайди;

1. Курс пасайишига хеджирлаш ёки сотиш билан хеджирлаш- бу муддатли контрактларни сотиш билан бўладиган биржа операциясидир. Бу ўз навбатда «қисқа хедж» деб ҳам юритилади.

Хеджирлашнинг бу тури мавжуд валютани қандайдир вақт ўтиши билан сотиш керак бўлганда, лекин унда валюта курси пасайиб кетиши гумон қилинганда, ҳозирнинг ўзида форвард (опцион) битимларини сотиш йўли билан келажакдаги пасайишидан ўзини суғурталашдир.

Опцион билан хеджирлашнинг яхши томони шуки, унда валюта курсининг салбий ўзгаршидан бутунлай суғурталанади; Ёмон томони шуки, опцион премияси тўланади.

Биржаларда, шунингдек опцион спредлари олди-сотди қилинади. Бунда бир опционни сотиб олиб, бошқа худди шундай («пут» ёки «коля»), лекин бошқача шартларга, яъни бошқача страйк-баҳо ёки экспирация санасига га бўлган опционни сотиш тушунилади.

Уқуйидаги турларга эга:

- вертикал спредда бир хил экспираци санаси бўлган опционлар олди-сотди қилиниб, фақат страйк-баҳоси фарқланади;
- горизонтал спредда опционлардаги страйк-баҳо бир хил бўлиб, амал қилиш муддати фарқланади;
- диагонал спредда горизонтал ва вертикал спредлар уйғунашган.

1.2. Валюта операцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда валюта мунсабатларини тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки амалга оширади. Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захираларини сақлайди ва уни бошқариш билан боғлиқ барча операцияларини амалга оширади.

Республикада миллий валюта қадри ошириш ва нақд чет эл валютасидаги муомалани бошқариш учун 1994 йил 7 октябрда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг валюта бозорини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва 1996 йилнинг 24 октябридаги Ўзбекистон Республикасининг Президентининг «Республика ҳудудида чет эл валютасидаги муомалани такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»га Фармони яхши натижа берди. Бунга кўра республика ҳудудидаги тўловлар фақат сўмда амалга оширилади. Амалга оширилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида операциялар ҳажмининг оширишга муҳит яратади.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ валюта қимматликларига қуйидагилар киради:

- Чет эл валютаси;
- Чет эл валютаси кўриниши қимматли қоғозлар, яъни фонд қимматликлари (акция, облигация ва шу кабилар);
- Чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитивлар ва шу кабилар);
- Қимматбаҳо металллар-олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳига кирувчи металллар (полладий, иридибродий ва осмий) ҳар қандай кўринишда, шунингдек лом кўринишида (ҳар хил ювелир кўринишибундан мустасно);
- Табиий қимматбаҳо тошлар - олмос, рубин, изумруд, салфир александритлар (палладий, иридий, рутенний ва осмий), ҳамда гавҳарлар ҳар хил кўринишда, шунингдек лом кўринишида (ҳар хил ювелир кўринишлар бундан мустасно).

Шунингдек, ушбу қонуннинг 1 битим 9-моддасида мувофиқ, чет эл валютасига қуйидагича таъриф берилган:

- Чет эл валютаси;
- Чет эл давлатида муомалада юрувчи ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланадиган пул бирликлари, шунингдек, муомаладан олинаётган ёки

олинган бўлсада Республикамиз пул бирликлариг айрбошланиш кўзда тутилган банкномалар;

- Чет эл давлатларнинг пул бирликлари ва халқаро пул бирликлари ҳисобварақлари ва депозитлардаги маблағлари.

Қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунга биноан, Ўзбекистон Республикасида валюта операциялари иккига бўлинади:

1. Жорий валюта операциялари;
2. Капиталлар ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари.

Жорий валюта операцияларига товар ва хизматлар экспорти ва импорти, валюта қимматликлари олди-сотдиси, интеллектуал бойликка эгалик ҳуқуқини сотиш бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда қарз маблағларни бериш ёки жалб қилишни кўзда тутмайдиган ва тўлов муддати узайтирилмайдиган ҳисоб-китоблар, яъни:

- банк қўйилмалари, кредитлар, инвестициялар ва бошқа молиявий операциялар бўйича фоиз, дивиденд ва бошқа даромадларни хорижга ва хориждан ўтказиш;

- нотижорат характерига эга бўлган ўтказмалар, шу жумладан, иш ҳақи, нафақалар, алиентлар, мерослар ва бошқа шу каби операциялар киради.

Капиталлар ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига:

- инвестициялар, шу жумладан қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш;

- кредитлар бериш ва олиш;

- маблағларни жалб қилиш ва уларни ҳисоб варақлари ҳамда қўйилмаларга жойлаштириш;

- тўловларни амалга ошириш ёки валюта қимматликларига эгалик ҳуқуқи вақт ўтиши билан бошқа шахсларга ўтиши билан боғлиқ ва молиявий операциялар.

Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини ваколатли банклар амалга оширади. Ваколатли банклар - бу Ўзбекистон Республикаси

Марказий банкининг валюта операцияларини ўтказишга берилган лицензияга эга банклардир.

Валютавий лицензиялар 2 хил:

– республика ҳудудида валюта операцияларини амалга ошириш учун лицензия;

– бутун дунё билан валюта операцияларини амалга ошириш учун (генеральный) лицензия қўнишида берилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 26 та тижорат банки мавжуд бўлиб, 17 таси ваколатли банк ҳисобланади.

Валюта лицензиясини олишининг асосий шартлари қаторида банкларнинг молиявий барқарорлиги, мутахассисларнинг малакаси ва банкнинг техник ва коммуникацион алоқа воситалари билан таъминланганлиги туради.

Ички валюта бозорида чет эл валютасини олиш-сотиш операциялари Марказий банк томонидан белгинлаган тартибда амалга оширилади.

Бунда валюта биржаси қуйидаги турдаги операцияларни амалга оширади:

- чет эл валютасини олиш-сотиш бўйича кимовди савдосини ташкил этиш ва валюта бозори қатнашчилари билан битимлар тузиш;
- ЎзРВБда тузилган битимлар бўйича банклар ўртасида чет эл валютасида ва сўмларда ҳисоб-китобларни ташкил этиш;
- ЎзРВБда тузилган битимлар бўйича сўмга нисбатан чет эл валюталарининг жорий курсини белгилаш.

Ички валюта бозорида чет эл валютасини олиш-сотиш операцияларида қатнашиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда ваколатли банклар эгадирлар. Валюта биржаси аъзолари бўлган ваколатли банклар ЎзРВБ кимовди савдоларида операциялар амалга ошириш ҳуқуқига эга. ЎзРВБ аъзолигига қабул қилиш ҳамда кимовди савдосига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади.

Валюта бозори қатнашчилари валюта биржасида операцияларни ваколатли банк раҳбари имзолаган ишончнома асосида иш олиб борадиган ўз вакиллари орқали амалга оширадилар.

Ваколатли банклар мижозларнинг топшириғига мувофиқ мустақил равишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган тартибда чет эл валютасини олиш-сотиш юзасидан битимларни тузишлари ва амалга оширишлари мумкин.

Фақат Ўзбекистон Республикасининг резидентларигина битимлар бўйича харидор бўлишлари мумкин.

Норезидентлар чет эл валютасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсати билан сотиб оладилар.

Резидент ва норезидентлар ваколатли банклар орқали ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш (норезидентлар фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан) ҳуқуқига эгадирлар.

Чет эл валютасини олиш-сотиш учун мижозлар ваколатли банкларга тегишли буюртманомаларни тақдим этадилар.

Сотиб олинган чет эл валютаси уни кейинчалик буюртманомада кўрсатилган мақсадларда ишлатиш учун мижозларнинг махсус ҳисобрақамларига ҳисоблаб ёзилади.

Махсус ҳисобрақамларидаги валюта маблағларини ҳисобдан чиқариш учун мижозлар ваколатли банкларга ўзларининг топшириқномаларини ва қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

а) асосий қарзни ва унинг юзасидан фоизларни узиш учун жорий тўловларни амалга ошириш вақтида- кредит олинганлигини ҳамда уни узиш шартларини тасдиқловчи ҳужжатларни;

б) товарлар ҳамда хизматлар импорти бўйича ҳисоб-китобларда - тўлов суммалари ва муддатларини тасдиқловчи контрактлар ва бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларга доир далолатномалар; юк божхона декларацияларининг нусхалари ва ҳ.к.);

в) хорижий иштирокчиларга тегишли бўлган фойда ва дивидендларни чет элга ўтказиш учун - корхона юқори органининг фойдани тақсимлаш ҳамда дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарори (белгиланган шакл бўйича маълумотнома - ҳисоб-китобларни илова қилган ҳолда);

г) зарурат туғилганда бошқа талаб қилинган ҳужжатларни.

Сотиб олинган чет эл валютасидан мақсадли ва ўз вақтида фойдаланилиши устидан назорат қилиш ваколатли банкларнинг зиммасига юкланади.

Ваколатли банклар ўз мижозларининг операциялари бўйича валютани назорат қилувчи вакил (агент)лар вазифасини бажарадилар ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган шакл ҳамда муддатларда тегишли ҳисоботни тақдим этиб боришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 январдаги ПҚ-1914 “Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 16 февралдаги 4/7-сонли қарорига мувофиқ “Ваколатли банкларда жисмоний шахслар билан валюта айирабошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низоми ишлаб чиқилган.

Низомга кўра 2013 йил 1 февралдан бошлаб конверсион операциялар ваколатли банкнинг жисмоний шахслар-резидентларнинг миллий валютадаги шахсий банк карталари ва чет эл валютасидаги халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда валюта айрабошлаш операцияларини амалга оширилади.

1993 йилда «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун (2003 йилда янги таҳрирда) қабул қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан валютани тартибга солиш масалалари бўйича деярли умуман янги норматив база яратилган. Қисқа вақт ичида Марказий банк валюта операцияларини амалга ошириш бўйича қонуний асосларни ишлаб чиқиш ва яхшилаш борасида катта ишлар бажарилган.

Ишлаб чиқилган норматив актлар хорижий валютани юридик ва жисмоний шахслар томонидан олди-сотдисининг тартиби; ички валюта бозорининг амал қилиш тартибини; республика ҳудудида хорижий банклар ва хорижий капитал иштирокидаги банкларни ташкил қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва аккредитация қилиш тартибини, тижорат банкларига хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар бериш шартлари; резидент ва норезидент - юридик ва жисмоний шахсларга хорижий валютада ҳисоб варақларини очиш ва юритиш тартиби; юридик ва жисмоний шахслар томонидан хорижда валюта ҳисоб варақларини очиш тартибини; республика ҳудудида хорижий валюта билан касса операцияларини амалга оширишнинг тартибини; банк муассасаларида валюта қимматликлари билан касса ишларини олиб бориш тўғрисидаги низом ва бошқаларни ўз ичига олган.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган валюта операциялар ва уларни амалга ошириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган 2011 – 2015 йилларда банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастурининг якунловчи йилида мазкур дастурда белгиланган банк тизими фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ўсиш суръатлари прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада 26 та тижорат банки фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 7 таси хусусий ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. Бугунги кунда республика ҳудудларида тижорат банкларининг 854 та филиали фаолият кўрсатмоқда.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 1 061 мингтани, шундан «Интернет-банкнинг» ва «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар 81,5 мингтани, «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» хизматларидан фойдаланувчилар 979,5 мингтани ташкил этиб, уларнинг сони 2014 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майда қабул қилинган «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва ресурс базасини шакллантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарори талабларига мувофиқ, банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, капитал етарлилиги, ликвидлик бўйича талабларни кучайтиришни, Базель III тавсияларини босқичма-босқич жорий этишни кўзда тутувчи Марказий банкнинг бир қатор меъёрий ҳужжатлари янги таҳрирда қайта ишлаб чиқилди, 1 та низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, ушбу ҳужжатларда:

– регулятив капитал етарлилик даражасининг энг кам миқдорини босқичма-босқич 10 фоиздан 14,5 фоизга етказиш, I даражали капитал етарлилик даражасининг энг кам миқдорини босқичма-босқич 5 фоиздан 11 фоизга оширишни кўзда тутувчи меъёрлар белгиланди;

– активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш механизми такомиллаштирилди, инвестиция портфелининг сифатини таснифлаш тартиби жорий этилди;

– банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимларга қўйиладиган талаблар кучайтирилди, банкка алоқадор бўлган шахслар таркиби ва банкка алоқадор бўлган битта шахсга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси аниқлаштирилди;

– банкларнинг ликвидлилигини бошқаришга талаблар кучайтирилиб, ликвидлиликни қоплаш ва соф барқарор молиялаштиришнинг янги меъёрлари ўрнатилди.

Айни вақтда, ҳукуматимиз ва Марказий Банк томонидан валюта бозорини янада эркинлаштириш ва миллий валютаамизнинг эркин айрибошланишини таъминлашни пухта ўйлаган ҳолда босқичма-босқич амалга ошириб борилаётганлигини яқин келажакда юқори ликвидли валюта бозорини шакллантириш имконини беради. Жорий йилда бу соҳада навбатдаги муҳим қадам ташланди. Яъни валюта бозорини янада эркинлаштириш мақсадида биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш ва ундан айрибошлаш курсининг талаб ва таклиф асосида шаклланиши таъминлашга доир ҳукуматимизнинг муҳим қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2001 йил 22 июндаги 263-сонли ҳамда “Биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсатишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2001 йил 10 июндаги 294-сонли қарорларининг қабул қилиниши ички чет эл валютаси бозорининг ривожланишида яна бир улкан қадам бўлди. Ушбу қарорга кўра, Марказий

банк томонидан эълон қилинадиган расмий валюта курси бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлар юритишда, шунингдек, божхона тўловларини амалга оширишда ишлатилади. Шунингдек, мажбурий тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча ҳисоб-китоблар ҳам Марказий банкнинг курси билан амалга оширилди.

Ушбу қарорларни қабул қилишдан асосий мақсад қуйидагилар:

- мамлакатнинг ички валюта бозорини барча айирбошлаш операциялари талаб ва таклиф асосида шаклланадиган валюта курси билан амалга ошириладиган ҳақиқий валюта бозорига айлантириш;
- экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни янада кучайтириш, кичик ва ўрта корхоналарда ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш. Шу мақсадда, кичик ва ўрта бизнес корхоналарига бир қатор имтиёзлар берилди.

Ўзбекистон валюта бозори икки қисмдан иборат: Валюта биржаси ва биржадан ташқари валюта бозори:

Валюта биржаси иштиоркчилари Марказий банк ва ваколатли банклар ҳисобланади.

Биржадан ташқари валюта бозори қатнашчилари эса тижорат банклари ҳамда уларни мижозлари, шунингдек аҳоли ҳисобланади.

Ҳозирги кунда биржадан ташқари валюта бозори банклараро валюта бозорини бевосита ваколатли банкларда амалга ошириладиган валюта айрибошлаш операцияларини ҳамда валюта алмаштириш шаҳобчаларини ўз ичига қамраб олади. Мазкур бозорда валюта айрибошлаш операцияларини амалга ошириш учун ваколатли банклар ўз ресурслари ва жалб қилинган валюта маблағларидан фойдаланишлари мумкин.

Банк тизимидаги ва валюта бозорини ривожлантириш борасида олиб борилган ислохотлар натижасида биржадан ташқари валюта бозоридаги операциялар ҳажми ўсди, банклар конвертация операцияларини амалга оширишда катта мустақилликка эга бўлди, ташқи савдо операцияларида иштирок этувчи мижозлар давраси кенгайди. Ҳисобот йилида банкларнинг

ташқи иқтисодий фаолиятининг кўпгина йўналишларида ижобий натижаларга эришилди.

Республикамизда биржадан ташқари бозорда қуйидаги валюта айрибошлаш операциялари амалга оширилиши кўзда тутилган:

-экспорт қилувчилар томонидан валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотиш билан боғлиқ операциялар;

-товарлар ва хизматларни импорт қилиш билан боғлиқ бўлган барча операциялар;

-хориждан янгидан жалб этиладиган кредитлар бўйича барча ҳисоб-китоблар;

-хорижий инвесторлар билан ҳисоб-китоблар;

-Давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириладиган жорий валюта операциялари;

-хизмат сафари харажатлари учун валюта харид қилиш.

Биржадан ташқари валюта бозори моҳиятига кўра банклараро валюта бозоридир. Биржадан ташқари валюта бозорида қуйидаги конверсион операциялар амалга оширилади:

- Хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш операциялари;
- Нақд хорижий валюталар билан амалга ошириладиган валюта алмашув операциялари;
- Форвард операциялари;
- Валюта опционлари билан амалга ошириладиган валюта операциялари.

Мазкур бозорда валюта айирбошлаш операциялари амалга ошириш учун ваколатли банклар ўз ресурслари ва жалб қилинган валюта маблағларидан фойдаланишлари мумкин.

Банклараро валюта битимлари Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида ўтказиладиган махсус савдо сессияларида амалга оширилади. Банклараро валюта бозорининг иштирокчилари бўлиб фақат ваколатли тижорат банклари ҳисобланади.

Ўзбекистонда катта ҳажмда форвард операцияларини ривожлантириш истиқболлари ва валюта опциони ҳамда валюта фьючерси операциялари билан европа бозорига чиқиш имкониятлари мавжуддир. Республикада спот-бозорининг ривожланмаганлиги муддатли битимларнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Яъни спот операцияларини, банклар ўз мижозларининг хорижий валютага бўлган талаблари ва эҳтиёжларини қондиришда, капиталлар оқимининг амалга ошишини таъминлашда ҳамда арбитраж ва чайқовчилик (спекулятив) операцияларини амалга оширишда қўллашади.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунида ваколатли банклар “... Ўзбекистон Республикаси ҳудудида очик валюта мавқеини лимити доирасида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича, шу жумладан ҳосилавий молиявий воситалар асосида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича бевосита ўзаро, ўз мижозлари билан ҳамда валюта биржалари орқали, шунингдек халқаро валюта бозорларида операцияларни амалга оширишга ҳақлидир” – деб кўрсатилган. Бу билан Республика ваколатли банкларига ҳам, валюта бозорларида молиявий валюта хосилалари билан муддатли валюта операцияларини кенгайтиришга қонун асосида тўлиқ рухсат берилган. Аммо, ҳозирги вақтда республика ваколатли банклари томонидан ушбу операцияларни амалга оширилаётган ҳажми деярли сезиларсиздир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг фақатгина бир неча тижорат банкларигина етакчи чет эл банклари билан корреспондент муносабатлари ўрнатганлар. Бундан ташқари, МДХ давлатлари банкларида корреспондент ҳисобрақамлар очиш бўйича турли хил чекловлар мавжуддир. Масалан, собиқ иттифоқнинг ҳамма давлатлари билан халқаро келишувларнинг мавжуд эмаслиги сабабли, тижорат банклари хоҳлаган банки билан миллий валютада корреспондент муносабатлар ўрната олмайди. Табиийки, ташқи савдо учун зарур ҳисобланган чет эл банклари билан корреспондент муносабатларни ривожлантириш керак. Банкларнинг вакиллик муносабатлари тармоғи охириги йилларда ўзининг барқарорлигини

сақлаб келмоқда ва мижозларнинг халқаро операцияларини ҳажм ва географик жиҳатдан амалга ошириш бўйича етарли ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари валюта операцияларининг яна бир муҳим йўналишларидан бири бўлиб, халқаро ҳисоб-китоб шакллари ривожлантириш ҳисобланади. Бу биринчи навбатда ҳужжатлаштирилган аккредитив ва тўлов топшириқномасига тегишлидир. Лекин, бугунги кунда чет эллик шериклар аккредитивни коплаш суммасини ва юқори комисион тўловларни талаб қилмоқдалар, тўлов топшириқномалари билан амалга ошириладиган ҳисоб-китобда эса, юқори ҳажмда олдиндан тўлаш талаб этилмоқда. АТ “Алоқабанк” мисолида таҳлил қиладиган бўлсак 2015 йил давомида халқаро савдо операциялари таркибида ўзгариш кузатилди, 2010 йилга нисбатан тўғридан-тўғри банк ўтказмаси улуши 24 фоизга ошиб, ҳужжатли операциялар улуши 61.3 фоизга камайди. Ўтган йилга нисбатан экспорт-импорт аккредитивлари ҳажми камайдиган бўлса, савдо операциялари бўйича банк томонидан берилган кафолатлар ҳажми сезиларли даражада ошди. Олдинги йиллар сингари 2015 йилда ҳам ташқи савдо операциялари таркибида импорт операцияларининг ўсиш тенденцияси сақланиб қолди.

Шу билан бирга, Республикада валюта операцияларини ривожлантириш учун валюта-айирбошлаш операцияларини ривожлантириш керак. Бунинг учун, аҳолидан нақд чет эл валютасини жалб қилиб сотиб олиши ва эркин тарзда сотиши керак. Бу турдаги валюта операцияларига қаттиқ валюта чекловини жорий қилиш тижорат банкларига бўлган ишончни янада пасайишига ва чет эл валютасига бўлган фетишизмни ривожланишига олиб келади (масалан, доллар фетишизми).

Ҳозирги вақтда Республикада бир қатор қўшма ва чет эл банклари ташкил топди. Улар бир неча ўн йиллик хорижий тажрибаларни бизда қўллашга ва республикадаги банк рақобатчилигини ривожланишига кўмаклашмоқда. Уларга:

□ УТ-Банк. Банкнинг асосий фаолияти икки республика ўртасида фаол ривожланаётган савдо-иқтисодий муносабатларга банк хизматини кўрсатиш, банк фаолиятини ташкил этишнинг янги усуллари жорий этиш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат.

□ «КДБ банк» ўзбек-корёя банкини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бундай қўшма банклар бизнинг Республикага бўш капиталларни - инвестицияларни ва халқаро кредитларни жалб қилиши мумкин. Бундан ташқари, улар бизнинг халқ хўжалигимизни кредитлашлари, демакки, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришлари мумкин.

Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё ривожланиш банки, Япониянинг «Эксимбанки», Марказий Осиё-Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди, Германиянинг «Ривожланиш кредит агентлиги» томонидан кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун республикамизнинг ваколатли банкларига кредит линиялари очилди.

Бозор муносабатларининг ривожланишини ҳисобга олиб, умуман келтирилган ҳамма маълумотларни таҳлил қилсак, бизнинг республикада тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожланиш истиқболлари етарлидир.

Фикримча, валюта операцияларини ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Валюта курсини либераллаштириш;
2. Валюта ва ташқи савдо тизимини янада либераллаштириш;

3. Ваколатли банкларимконқадарэркинайирбошланадиган валютада қўшимча ресурслар жалб қилишга, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги жамғармаларини рағбатлантириш орқали ҳаракат қилишлари лозим. Фикримча, бунга эришиш учун биринчидан, валюта соҳасидаги хизмат турини кўпайтириш керак, иккинчидан, хизмат харажатларини камайтириш зарур, учинчидан, хорижий валютадаги депозитлар учун банк томонидан тўланадиган фоиз ставкаларини қайта

кўриб чиқиш керак, тўртинчидан хорижий валюталарда жалб қилинган депозитлардан мажбурий захирага тортиладиган фоиз ставкасини пасайтириш лозим.

4. Корреспондент муносабатларини ривожлантириш. Фикримча, миллий валютадаги корреспондент алоқаларни ривожлантириш бевосита халқаро савдо алоқаларида миллий валютамыз - сўмдан кенг миқёсда фойдаланишга асос бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо тизими ва энг юқори даражада қулайликлар яратилишини кўзда тутувчи битимлар имзоланган давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари билан миллий валютада товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар)ни экспорт ва импорт қилиш учун республикамыз корхона ваташкилотлар томонидан шартномалар имзоланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Бизнинг фикримизча, республикамызнинг йирик тижорат банкларининг халқаро фонд биржалари фаолиятидаги иштирокини таъминлаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни юзага келтириш лозим. Шу билан бирга, уларнинг хорижий валюталарда ёзилган қимматли қоғозларини чиқариш ва уларни сотиш амалиётини йўлга қўйиш лозим.

Бунинг учун, аввало, жорий валюта бозорининг ликвидлилигини таъминлаш лозим. Ундан кейин эса, муддатли валюта бозорини шакллантириш лозим.

Биринчи навбатда жорий валюта бозорининг, яъни биржа бозори ва биржадан ташқари валюта бозорининг ликвидлилигини оширишимиз лозим. Ундан кейин эса муддатли валюта бозорини шакллантиришимиз лозим. Ушбу жараёнларда асосий ролни тижорат банклари ўйнайди. Биз қуйида жорий валюта бозорининг ликвидлилигини таъминлаш ва муддатли валюта бозорини шакллантириш билан боқлиқ бўлган айрим муаммоларни кўриб чиқамиз.

Ҳозирги вақтда республикамызда хорижий валюталар савдоси ваколатли банклар томонидан берилган буюртмаларга асосан амалга оширилади. Жорий валюта операцияларини амалга ошириш борасида

мавжуд бўлган чекловларни олиб ташланиши, айниқса, мамлакат тўлов балансининг жорий операциялари бўйича сўмни хорижий валюталарга нисбатан эркин конвертирлашни жорий этилиши валюталар савдосини буюртмаларсиз, доимий асосда амалга оширилишига олиб келади.

Республикамиз валюта бозорида валюта-алмашув операцияларини амалга ошириш мақсадли характерга эга. Масалан, мижоз томонидан сотиб олинган валютадан махсус қисобварақига қисоблаб ёзилган вақтдан бошлаб 60 кун мобайнида тўлиқ ёки қисман фойдаланилмаган қолда, у сўзсиз равишда ЎзРВБда (агарда у валюта биржасидан сотиб олинган бўлса) ёки биржадан ташқари валюта бозорида (бошқа манбалар қисобидан сотиб олинган қолда) қайта сотилиши лозим.

Мижозларнинг махсус ҳисоб варақларини юритувчи ваколатли банклар ушбу ҳисоб варақларидаги маблақлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат олиб борадилар.

ЎзРВБ аъзолари бўлмаган ваколатли банклар ЎзРВБда валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларига мувофиқ, ҳолда кимовшди савдосида чет эл валютаси олди-сотдисини валюта биржаси аъзолари орқали амалга оширадилар.

Мижоз чет эл валютасини сотиб олиш қақидаги буюртманомада валютадан қандай мақсадларда фойдаланилишини айтиши шарт. Тижорат банклари ўз навбатида банклар чет эл валютасини олиш-сотиш учун буюртманомаларни қабул қилаётганда мижозлар томонидан тақдим этилган қужжатларни ва уларнинг қисоб варақларида тегишли пул маблақлари мавжудлигини текшириб кўришлари шарт.

Хўжалик субъектларининг хорижий валюталарга бўлган эҳтиёжларини қондиришда биржадан ташқари валюта бозори муқим роль ўйнайди. Республикамизда биржадан ташқари бозордаги валюта операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1999 йил 20 февралдаги 298-сонли «Биржадан ташқари валюта бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом»ига асосан амалга оширилади.

Ушбу Низомга асосан биржадан ташқари валюта бозорида қуйидаги операциялар амалга оширилади:

- ваколатли банклар томонидан ўз мижозларидан чет эл валютасининг харид қилиниши;

- корхона ва ташкилотлар валюта тушумининг бир қисмини белгиланган миқдорда мажбурий тартибда сотиш;

- Марказий банкнинг лицензиясига эга бўлган корхона ва ташкилотларга чет эл валютасининг сотилиши;

- валюта айирбошлаш шохобчалари орқали нақд чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш;

- ваколатли банклар томонидан банклараро савдо битимларининг, шу жумладан, айирбошлаш шохобчаларини маблақ билан таъминлаб туриш учун операцияларнинг амалга оширилиши.

Биржадан ташқари бозор фаолиятини ривожлантиришда валюталар таклифини юзага келтирувчи манбалар муқим ўрин эгаллайди. Ваколатли банклар томонидан биржадан ташқари валюта бозорида операцияларни амалга ошириш учун мўлжалланган маблақларнинг асосий манбаларига қуйидагилар киради:

- ваколатли банкларнинг ўз маблақлари, шу жумладан, тақсимланмаган фойдаси;

- корхона ва ташкилотларнинг марказлаштирилмаган экспортдан олинган валюта тушумлари бир қисмини мажбурий сотишдан келиб тушаётган маблақлар;

- бюджетга тўловлар ва банк ссудалари бўйича сўм маблақларида муддати ўтказиб юборилган қарздорликка эга бўлган корхона ва ташкилотларнинг ушбу вужудга келган қарзларини тўлаш учун биржадан ташқари валюта бозорининг курси бўйича ваколатли банкларга мажбурий тарзда сотилиши лозим бўлган валюта маблақлари;

- мижозларнинг ваколатли банкларга жойлаштирилган депозитлари ва бошқа жалб қилинган маблақлари;

-ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шақобчалари орқали ва банклараро савдо битимлари бўйича чет эл валютасининг харид қилиниши;

-ЎзРВБда марказлаштирилган валюта ресурсларининг харид қилиниши.

Республикамизнинг ваколатли тижорат банклари биржадан ташқари валюта бозорида операцияларни ўз қисобидан, шунингдек, миждозларни топшириқига кўра амалга оширишлари мумкин.

Мижозлар чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш учун ваколатли банкларга буюртманомаларни тақдим этадилар. Ушбу банклар буюртманомаларни қабул қилишда миждозлар томонидан аввал тақдим этилган қужжатларни ва уларнинг қисоб варақларида зарур маблақлар мавжудлигини текшириб кўрадилар.

Мижозларнинг операциялари бўйича валюта назорати вакили вазифасини бажармаслик ва мазкур Низомда кўзда тутилган қоидаларни бузиш ваколатли банкка чет эл валютасидаги операцияларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияни қайтариб олинишига асос бўлиши мумкин.

2013 йил 1 февралдан бошлаб конверсион операциялар ваколатли банкнинг жисмоний шахслар-резидентларнинг миллий валютадаги шахсий банк карталари ва чет эл валютасидаги халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда валюта айрабошлаш операциялари амалга оширилади.

Банк шартномага мувофиқ резидентлар номига чет эл валютасида банк ҳисобварағини очади; шартноманинг бир нусхасини кунлик ҳужжатларга резидентнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси билан бирга тикиб қўяди; халқаро тўлов картасини резидентга беради.

Резидентларга чет эл валютасини сотиш конверсион бўлимлар томонидан халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда амалга оширилади. Конверсион бўлимда кунлик нақд пулсиз шаклдаги чет эл валютасини сотиш миқдори ваколатли банк раҳбарининг

бўйруғига асосан белгиланади. Резидент чет эл валютасини сотиб олиш учун конверсион бўлимга ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини тақдим этади. Резидентнинг шахсий картаси мавжуд бўлмаган тақдирда, конверсион бўлим мутахассиси томонидан резидентга пластик карталар бўлимига мурожаат этиб, ўз номига белгиланган тартибда шахсий карта очиш таклиф этилади. Резидентнинг шахсий картасида етарли миқдорда миллий валютадаги маблағ бўлмаган тақдирда, шахсий карта эмитент банкнинг исталган филиалида нақд миллий валютани банк кассасига топшириш орқали тўлдирилиши мумкин. Резидентнинг шахсий картаси мавжуд бўлган тақдирда, конверсион бўлим мутахассиси томонидан шахсий картанинг ҳақиқатда ушбу шахсга тегишлилиги унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан солиштирилади ҳамда тўлов терминали орқали шахсий картада етарли миқдорда миллий валютадаги маблағнинг мавжудлиги текширилади. Шахсий картада миллий валютадаги маблағ етарли бўлганда, резидент томонидан чет эл валютасини сотиб олиш учун ариза тўлдирилади.

Миллий валютадаги маблағ ваколатли банкнинг операция бажариладиган кундаги чет эл валютасини сотиш курси бўйича тўлов терминали орқали ечиб олинади ва резидентга миллий валютадаги маблағ ечиб олинганлиги тўғрисидаги терминал чекининг асл нусхаси берилади, унинг нусхаси кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

Резидент халқаро тўлов картасидаги чет эл валютасини сотиш учун ваколатли банкнинг исталган конверсион ариза билан мурожаат этади. Бунда конверсион бўлимнинг мутахассиси томонидан халқаро тўлов картасининг ҳақиқатда ушбу резидентга тегишлилиги унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида текширилади. Резидентнинг халқаро тўлов картасидаги чет эл валютаси ваколатли банкнинг операция бажариладиган кундаги чет эл валютасини сотиб олиш курсига мувофиқ тўлов терминали орқали ечиб олинади. Бунда резидентга чет эл валютасининг ечиб олинганлиги тўғрисидаги терминал чекининг асл нусхаси берилади, унинг нусхаси эса, кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади. Чет эл валютаси конверсион бўлимнинг

мутахассиси томонидан электрон тизимга киритиш орқали харид қилинади. Бунда 09020-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади ва принтер орқали чоп этилади. Маълумотномалар бўлим мутахассиси ва резидент томонидан имзоланиб, уларга мутахассиснинг шахсий ва бўлим штамплари босилади. Маълумотноманинг бир нусхаси резидентга, иккинчи нусхаси 09021-сонли реестрга илова қилиниб, кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

Резидентлар халқаро тўлов карталаридаги чет эл валютасини айирбошлаш шохобчалари орқали нақд миллий валютага айирбошлашлари мумкин. Кун охирида конверсион бўлим бошлиғи томонидан резидентларнинг аризаси, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларининг нусхалари ва терминал чеклари ваколатли банкнинг тегишли бўлимига тақдим этилади. Тақдим этилган ҳужжатларга асосан ваколатли банкнинг тегишли бўлими томонидан резидентнинг шахсий картасига миллий валюта ўтказиб берилади.

Сўмдаги пластик картаси орқали конверсион бўлимда чет эл валютаси сотилганда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

1). ДТ-10101 “Айланма кассасидаги нақд пуллар”

КТ-23122 “Чет эл валютасини сотиб олиш учун банк кассасига топширилган нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварағи”

2). ДТ- 23122

КТ-22618 “Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари”, 22617 “Пенсионерларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар”.

3). ДТ-22618, 22617

КТ-23516 “Чет эл валютасини сотишда олувчининг ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган пластик карталардан келиб тушган пул маблағлари”.

4). ДТ-17409 “Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича пластик карталардан ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган пул мблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари”

КТ-17101 “Валюта позицияси ҳисобварақлари”

5). ДТ-23516

КТ-17409

6). ДТ-17101 “Валюта позицияси ҳисобварақлари”

КТ- 22618 “Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари”.

Бунда кун охирида чет эл валютасини сотишдан тушган жами тушум айланма кассадан захирага олинади ва Марказий банк ХҚКМ га юборилади. Яъни чет эл валютасини сотишдан тушган жами тушум 23526 ҳисобварағининг кредит айланмасига тенг бўлади.

Ўзбекистонда валюта операцияларини амалга оширишда бир қатор муаммолар бор ва уларнинг ечилиши валюта бозорининг анча ривожланиши ва валюта операцияларини амалга оширишда дунё андозаларига етишга кўмак берган бўларди. Буларнинг асосийларидан валюта конвертациясининг эркинлашуви, жорий операциялар бўйича эркин конвертациянинг чекловлари, капиталлар ҳаракати бўйича чекловларни қайд этиб кетиш мумкин.

2.2. Тижорат банклари валюта операцияларини амалдаги ҳолати таҳлили

Валюта операцияларининг асосий 3 тури мавжуд: спот типигаги валюта операциялари; муддатли валюта операциялари; своп типигаги валюта операциялари.

Ўз навбатида муддатли валюта операциялари форвард, опцион валюта фьючерслари кўринишида бўлади.

Спот типигаги валюта операциялари ўз ичига репорт, депорт, валюта орбитражи, валюта спредлари, лидз энд легз операцияларини олади.

Тижорат банкларининг кредит-депозит валюта операциялари – бу эркин пул маблағларини жойлаштириш, шунингдек турли муддатларда муайян фоиз асосида хорижий валюталарда йетишмайдиган маблағларни жалб қилиш бўйича қисқа муддатли (1 кундан 1 йилгача) операцияларнинг йиғиндисидир. Мазкур операциялар банklar ва компанияларнинг қисқа муддатли ликвидлигини таъминлайди ва даромад олиш мақсадига хизмат қилади.

Ҳозирги кунда дунёда ягона халқаро пул бозори фаолият юритади, у ерда асосий конвертирланадиган валюталар – АҚШ доллари, евро, фунт стерлинг, япон йенаси, Швейцария франки ва бошқа валюталар савдоси амалга оширилади. Бироқ халқаро пул бозорларидаги 90 % кредит операциялари асосий валюта АҚШ долларида ўтказилади.

Ислохотларнинг жадаллашуви ва Ўзбекистон иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг яхшиланиб бориши муносабати билан ғарб банклари ишонч қозонган банklarга валюта депозитларни тобора жадал суръатларда жойлаштирмоқдалар.

Пул бозорининг депозитлари кўп ҳолларда 12 ойга (1 йилга) жойлаштирилади. Депозитларни жойлаштиришнинг асосий муддатлари келтирилган. Бунда ҳафтага каррали муддатлар учун депозитнинг тугаш санасини аниқлашда тугаш санаси валюталаш санасидан кейинги аниқ ҳафталар сонига сурилади, яъни айнан ўша ҳафта кунига тўғри келади.

Ойга каррали муддатлар учун депозитнинг тугаш санаси моҳияти жиҳатидан валюталаш санасига тўғри келади (масалан, валюталаш санаси 6-сентябр бўлган бир ойлик депозитнинг тугаш санаси 6-октябрга тўғри келади). Амалиётда депозит муддатини спот санасидан ҳисоблаш қабул қилинган, бироқ баъзида «эртага», ёки ҳаттоки «бугун» валюталаш санаси шарти асосида жойлаштириладиган депозитлар ҳам учрайди, масалан: эртадан бир ҳафталик депозит «том-уик».

Мамлакатимиз тижорат банкларида валюта операцияларини амалга оширишда валюта позициялари ҳолатига амал қилинади.

Ўзбекистон республикасидаги барча тижорат банклари ўз валюта позицияларини 2005-йил 28-майда Марказий банк томонидан қабул қилинган 610-сонли қарори асосида назорат қилиб борадилар.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида валюта операцияларида валюта курсларининг тебраниши ҳисобга олинади.

Валюта курсларининг мумкин бўлган ўзгаришларидан кўриладиган зарарлардан, яъни валюта рискдан суғурталанишнинг турли усуллари ҳозиргикунда амалиётда қўлланилмоқда. Бунда валюта рискин «ҳеджинг» қилиш қўлланилади. «Хеджинг»да форвард операциялари опционлардан фойдаланилади. Валюта рискининг баҳо валютасини тўғри танлаш ва контрактлар бўйича валюта позициясини тартибга солиш орқали ҳам камайтириш мумкин.

3-жадавл

Ўзбекистонда валюта курсларининг ўзгариши ¹

№	Валюталар номи	Размли коди	Рақамли коди	2016-йил 25-май учун курс	2015-йил 25-май учун курс	Ўзгариши	
						+, -	Фоиз да
1.	1 АҚШ доллари	USD	840	2919.35	2527.58	391.77	115.49
2.	1 Евро	EUR	978	3334.40	2831.05	503.35	117.78
3.	1 Россия рубли	RUB	643	43.98	50.54	-6.56	87.02
4.	10 Япония ийенаси	JPY	392	265.81	210.79	55.02	126.1
5.	1 Австралия доллари	AUD	036	2117.11	2027.12	89.99	104.44
6.	1 Канада доллари	CAD	124	2228.34	2101.06	127.28	106.06
7.	1 Хитой юани	CNY	156	446.01	407.48	38.53	109.46

Юқорида кўрсатиб ўтилган жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, 2016-йилда 2015-йилга нисбатан кўпгина хорижий валютарнинг қадри ўзбек сўмига нисбатан бирмучна ошган. Энг кўп

¹ Сбу.уз сайтидан олинган маълумоталр асосида тайёрланган.

кадрланган валюталар қаторига Япония йенасини, Йеврони ва албатта АҚШ доллариини мисол қилиб киритишимиз мумкин. Бу валюталарнинг курси ўз ўрнида: 26.1%, 20.5%, 17.8% ва 15.5% кет-макетликда ўсган.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсак албатта валюта курси орқали валюта операцияларини ривожлантиришда муҳимдир. Валюта курсининг тебраниши натижасида нафақат зарар, балки фойда ҳам кўриш мумкин.

4-жадвал

АТ “Алоқабанк”нинг чет эл валюталари орқали амалга оширилган операциялари ¹

№	Кўрсаткичлар	01.04.2015	01.04.2016	Ўтган йилнинг шу даврга нисбатан	
				(+,-)	%
1.	Экспорт шартномалари бўйича тушум	30708.6	26089.6	-4619.1	84.96
2.	Мажбурий сотув	13535.2	10768.7	-2766.4	79.56
3.	Валюта биржасида харид қилинган чет ел валютаси	13247.0	19459.7	6212.7	146.9
4.	Валюта шохобчалари орқали сотиб олинган чет ел валютаси	11.1	28.8	17.7	159.59
5.	Конверсион бўлим орқали сотилган чет ел валютаси	1327.6	2605.9	1278.3	196.29
6.	Экспорт шартномалари сони, та	366	385	19.0	105.19
7.	Экспорт шартномалари суммаси	971184.1	1180222.77	209038.6	121.52
8.	Импорт шартномалари сони, та	1498	1704.0	206.0	113.75
9.	Импорт шартномалари суммаси	1096255.7	1447235.22	350979.5	132.02
10.	Жалб қилинган валюта маблағлари	7422.1	6138.4	-1283.7	82.7

¹АТ “Алоқабанк”нинг ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоботидан олинган маълумот.

Вазирлар Маҳкамасининг 294-сонли Қарорини бажарилишидан келиб чиққан ҳолда, валюта биржаси банклараро савдо сессиясида 2016-йил 1-апрел ҳолатига умумий суммаси 11,33 млн. АҚШ1 доллари эквиваленти миқдорида сотув амалга оширилган шу жумладан экспорт тушуми ҳисобидан 50 фоизлик мажбурий сотув 11,32 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорини ташкил қилади. Банк миждозларининг буюртмалари асосида 19,46 млн. АҚШ доллари эквивалентида Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасидан валюта сотиб олинди ва унинг мақсадли ишлатилиши таъминланди.

Ҳисобот даври давомида валюта маблағларининг экспорт тушуми 26,09 млн АҚШ доллари эквивалентини ташкил етиб, 50% мажбурий сотув 10,77 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида амалга оширилган.

Ҳисобот даври давомида миждозларнинг бўш валюта маблағлари ҳисобига жами 6,13 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида валюта жалб қилинган. Шундан 0,21 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида валюта своп шартномалари асосида ҳамда валюта айирбошлаш шохобчалари орқали 0,03 млн. АҚШ доллари миқдорида валюта жалб қилинган.

Аҳолига банк хизмати кўлами ва сифатини ошириш мақсадида 2016-йил 1-апрел ҳолатига 24 та халқаро пул ўтказмалари шаҳобчаларида 8 турдаги халқаро пул ўтказмалари тизими орқали умумий суммаси 14,12 млн. АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағлари уз егаларига йетказиб берилди (жумладан, 10,52 млн. АҚШ доллари миқдорида республика аҳолисига, 3,60 млн. АҚШ доллари миқдорида республика ҳудуди тақарисига) ва 61 160,96 АҚШ доллари миқдорида даромад олинди.

Йил бошидан 2,61 млн. АҚШ доллари эквивалентида маблағ конверсион ва валюта айирбошлаш операциялари маҳсус бўлимлари орқали сотилди.

Халқаро пластик карточкалар бўйича 2016- йил 1-апрел ҳолатига 2,67 млн. АҚШ доллари миқдорида айланма маблағларини ташкил етиб 141,07 минг АҚШ доллари миқдорида даромад олинди.

Халқаро пластик карточкаларнинг 2016-йил 1-апрел ҳолатидаги қолдиғи 2,04 млн. АҚШ долларини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013-йил 12-июнда 2467-сон билан рўйхатга олинган “Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операцияларини асосланган ҳолда ўтказилишини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 30-сентябрдаги 416-сонли “Импорт ва экспорт шартномаларини мониторинг қилиш тўғрисида”ги қарори ҳамда 2014 -йил 21- июлдаги 199-сонли “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги” қарорига асосан банкда 2016- йил 1-апрел ҳолатига кўра умумий суммаси 1 180,22 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 385 та экспорт шартномаси ҳамда умумий суммаси 1 447,24 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 1704 та импорт шартномаларига хизмат кўрсатилган. Ҳозирги кунда мавжуд шартномалар устидан тўлиқ назорат олиб борилмоқда.

Ҳар қандай валюта операцияларини амалга ошириш натижасида тижорат банклари ё зарар, ёки фойда кўрадилар. Кейинги таҳлил қилинаётган жадвалда мамлакатимизнинг айрим тижорат банкларининг валюта операциялари бўйича олган фойдалари ёки зарарлари акс еттирилган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари бир қатор хорижий мамлакатлар тижорат банклари қатори валюта операцияларида муддатли валюта операциялари форвард, фьючерс опцион ва своп турлари қўлланилади. Тижорат банклари валюта операциялар орқали тижорат банки зарар ёки фойда кўриши мумкин.

**Мамлакатимиз тижорат банкларининг валюта операциялардан кўрган
соф фойдаси (зарари) ¹**

№	Bank nomi	2015-yil 31-dekabr	2014-yil 31-dekabr	O'zgarishi (+,-)	
				Ming so'mda	Foizda
1.	O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat Milliy banki	182180	94125	88055	193,55
2.	Invest Finance Bank	2681747	-	2681747	-
3.	Universal bank	64934	(11103)	(76037)	(584,83)
4.	Agrobank	6843654	1076390	5767264	635,80
5.	KDB bank O'zbekiston	2166623	2733218	-566595	79,27
6.	Hamkorbank	3098576	6007895	-2909319	51,58
7.	Ipoteka-bank	5544109	3493962	2050147	158,68
8.	UTBANK	792612	744263	48349	106,50
9.	Asia Alliance Bank	5370076	2050092	3319984	261,94
10.	Saderat Iran	530652	257334	273318	206,21

4-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2015-йилда валюта операцияларидан энг кўп фойда олган банklar қаторига Асиа Аллиансе Банк, Садерат Иран, Агробанк ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки киради, лекин Агробанкни алоҳида такидлаш жоиз, чунки 2015-йилда 2014-йилга нисбатан 600 баробарга ошган. Бироқ Универсал банк еса 2014-йилда 11103 минг сўм зарар кўрган бўлса, 2015-йилга келиб бу зарарни 64934 минг сўмлик фойда айлантирди. КДБ банк ва Ҳамкорбанк еса 2014-йилда кўпроқ фойда олиб, 2015-йилга келиганда еса бу фойда бир мунча камайди. КДБ банк 2015-йилда 2014-

¹ Банк ахборотномаси газетасидан олинган маълумот асосида тайёрланган.

йилга нисбатан 566595 минг сўм, ҳамкорбанк еса 2909319 минг сўм камрок фойда кўрди. Ипотека банки еса 2015-йилда 2014-йилга нисбатан 2050147 минг сўм, яъни 58.7 5 кўпроқ фойда кўрди. Утбанкка келадиган бўлсак унинг валюта операцияларидан олган фойдаси айтарлик даражада кўп амас, яъни 2015-йилда 2014-йилга нисбатан 48349 минг сўм, атига 6.5 фоизга ошган

6-жадвал

Тижорат банкларининг хориж валюталарини қайта баҳолаш натижаида кўрилган фойда ёки зарар ¹

№	Bank nomi	2015-yil 31-dekabr	2014-yil 31-dekabr	O'zgarishi (+,-)	
				Ming so'mda	Foizda
1.	O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat Milliy banki	(5561)	(23827)	(-18266)	(23,34)
2.	Invest Finance Bank	1356897	2704308	-1347411	50,18
3.	KDB bank O'zbekiston	15385260	8727195	6658065	176,29
4.	UTBANK	2641002	1071172	1569830	246,55
5.	Hamkorbank	-	(5742911)	-	-

5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Ҳамкорбанк хорижий валюталарни қайта баҳолаш бўйича берилган икки йилда ҳам фойда емас, балки зарар кўрган. ҚДБ банк ва УТБАНКлар еса аксинча фойда кўрган, ҚДБ банк 2015-йилда 2014-йилга нисбатан 76.35, УТБАНК еса 146.6 % кўпроқ фойда кўрган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, валюта операциялари бу нафақат хорижий валюта билан олди-сотди қилиш жараёни, балки бу ўзига хос фақат ўз қонунларига бўйсунувчи кичик дунёдир.

¹Банк ахборотномаси газетасидан олинган маълумот асосида тайёрланган.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Тижорат банклари валюта операцияларини амалга оширишдаги муаммолар

Ҳозирда Республикамизда тижорат банклари валюта операцияларини ривожлантириш борасида жиддий муаммолар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Хорижий валюталарга бўлган барқарор талабнинг юзага келмаганлиги бу ҳолатда Республика валюта биржасида АҚШ долларини сотиб олишга талаб узлуксиз ошиб бораётганлиги кўрилади. Бунинг натижасида сўмнинг АҚШ доллариға нисбатан алмашинув курси тўхтовсиз пасайиб бормоқда.

2. Мамалакат жорий валюта бозорининг ликвидлигини таъминлаш имконияти юзага келмаган. Бунинг натижасида Ўзбекистон банклари томонидан муддатли валюта операциялари деярли амалга оширилмайди.

3. Корхона ваташкилотларнинг жорий валюта ҳисоб варақаларини юритиш тартиби ҳаддан зиёд расмийлаштирилган ва битимларнинг объектига қараб йўналтирилган. Натижада корхоналар фақат белгиланган товарларни харид қилиш учунгина тўловни амалга ошириш ҳуқуқиға эға. Бу товарларни харид қилиш учун тузилган шартномалар ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ҳамда миждозға хизмат кўрсатувчи банкда албатта қайд этилиши керак.

4. тижорат «спот»курсларининг бозор баҳосини шакллантиришда айрим муаммоларни мавжудлиги. Бу жорий савдо операцияларини, банкларнинг депозит ссуда операцияларини амалга оширишға тўсқинлик қилади, чунки бунда курснинг кескин ва фавқулотда ўзгариш хавфи сақланиб қолади;

5. Халқаро ҳисоб-китоб операциялари тўлов нисбатан юқори даражада кафолатланган ҳисоб - китоб шаклларида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда хужжатлаштирилган аккредитив билан хужжатлаштирилган инкассадан асосий ҳисоб-китоб шакли сифатида фойдаланилмоқда.

Ҳозирги пайтда валюта операцияларини амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган асосий омил - бу валютанинг ички ва ташқи эркин айрбошланишидир. Валютани эркин айрбошлашнинг йўқлиги, Марказий банк томонидан қатъий белгиланган алмаштириш курсларининг ўрнатилишини валюта операцияларига бўлган қизиқишни сезиларли даражада сўндиради.

Ички айрбошлашдаги чекловлар биринчи навбатда маҳаллий банкларга валюта тушумларини ва валюта операцияларини амалга оширишдан келиши мумкин бўлган фойдадан маҳрум қилади.

Ташқи валюта айрбошлашнинг эркин эмаслиги биринчи навбатда чет элдаги сармоядорларда мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган қизиқишни анча сустлаштирган. Бунинг натижасида хорижий сармоялар натижасида келиб тушиши мумкин бўлган валюта тушумларининг анча қисмидан маҳрум бўлганмиз.

Капиталлар ҳаракати бўйича чеклов ҳам инвестиция жараёнларини анча сусайтирди.

Ўзбекисон Республикасида қонуний тўлов воситаси Ўзбекистон сўми бўлгани учун, барча инвестицион проектлар, қарзлар, кредитлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банк орқали амалга оширилади. Бу эса валютани Марказий банк ўрнатган нархларда сотишни кўзда тутди ва албатта бундай ҳолат корхона (фирма)ларнинг зарар кўришига олиб келади. Натижада капиталларнинг республикага оқими жуда паст ва бу ҳам ўз навбатда олтин-валюта резервлрини ошишга ёрдам бермайди. Олтин-валюта резервларининг паст даражада бўлиши эса, ўз навбатида, конвертацияни очиб юборишга ҳалақит беради, чунки ҳукумат очиқ конвертация шароитида ўзининг барча олтин-валюта захираларидан ажралиб қолишдн қўрқади.

Лекин асосий муаммо - бу импорт хажмининг юқорилиги ва экспорт таркибининг оптимал эмаслигидир. Республикамиз миллионлаб АҚШ

долларларини асбоб-ускуна, янги технологиялар, ноу-хау, бундан ташқари машиналарни харид қилишга сарфлайди. Бу сарфларни қоплаш учун етарли даражада валюта тушумлари бўлиши лозим.

Мижозлар билан амалага ошириладиган валюта операцияларида ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида банклар томонидан фақатгина хужжатлаштирилган аккредитив ва инкассодан усулларида фойдаланиш. Бошқа ҳисоб-китоб усулари Ўзбекистон амалиётида қўлланилиши чегараланган. Халқаро амалиётда банк ўтказмаси, аккредитивнинг бошқа шакллари, чек ва векселлардан ҳам фойдаланилади. Бу усулларнинг жорий этилиши валюта операцияларини такомиллаштиришга хизмат қилган бўлар эди.

Чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операцияларида ҳам уларни ҳисобга олиш бўйича баъзи муаммолар мавжуд. Жумладан валютани биржадан сотиб олиш жараёнининг узоқ давом этиши, курс фарқини юзага келиши оқибатида бухгалтерия ҳисобида қайта баҳолаш ишларини қийинлашишига олиб келади. Валюта конверсион бўлимларида валюта сотиш ва сотиб олиш операциялари ҳам тўла шаклланмаган. Бунга сабаб: валюталарни бир хиллиги –фақат АҚШ доллари, валюта сотиш ва сотиб олишдаги чекловлар, қора бозор ва банк курси орасидаги фарқлар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамиз ваколатли банкларида валюта операцияларини бажарувчи дилинг бошқармалари фаолиятида қуйидаги камчилик ва муаммолар мавжуд:

1. Жаҳоннинг етакчи валюталарига нисбатан коэффицентлар қўллаш бўйича халқаро қоидаларга риоя қилмаслик.

2. Республика банкларининг хориж банклари билан бўлган бир томонламакорреспондент алоқалари. Агар бизда хорижий банклар «Ностро»корреспондент рақамларини очганларида, маҳаллий банкларнинг харажатларикамайиб, «Ностро» рақамларидаги валюта қолдиқларининг барқарорлигигаэришган бўлар эдик. Яъни хорижий банклар билан икки

томонлама корреспондент алоқаларининг мавжудлиги, импорт қийматининг тўловини амалга ошириш «Ностро» рақамидаги қолдиқларнинг ўзгармаслигига олиб келарэди (бунда биз миждознинг жорий ҳисоб рақамини дебетлаб, бизнинг банктаги хорижий банкнинг «Востро» корреспондент рақамини кредитлаймиз). Ҳозирги вақтда эса республикаимиз банкларининг бир томонлама корреспондент алоқалари туфайли импорт бўйича тўловнинг бажарилишидаги маблағлар ҳаракати қуйидагичадир: миждознинг валюта ҳисоб - рақами дебетланиб, маҳаллий тижорат банкларининг «Ностро» корреспондент рақами кредитланади.

3. Республикаимиз тижорат банкларида форвард, фьючерс, опцион ва своп операциялари каби муддатли валюта операцияларининг ривожланмаганлиги.

Халқаро валюта бозорининг алмашув операцияларида муддатли операциялар улушининг кўпайиши эса бозор иштирокчилари даромадининг ошишига олиб келар эди.

Валюта операцияларини ўтказишдаги бу камчиликларнинг асосий сабаби сўмнинг бошқа валюталарга алмашмаслигидир. Шу омил валюта бозорларидаги банклар операциялари ҳажмига ҳам таъсир этади.

Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ташқи конвертирланишини таъминлаш масаласи ҳақида фикр юритилганда, сўз фақат сўмнинг қисман ташқи конвертирланиши хусусида боради. Бунинг сабаби шундаки, сўмнинг тўлиқ конвертирланиши узоқ келажакка дахлдор бўлган вазифа бўлиб, унинг учун зарур бўлган шарт-шароитлар мамлакатда мавжуд эмас. Чунки, сўмни халқаро тўлов воситаси сифатида халқаро валюта бозорларида котировка қилиниши учун зарур бўлган шароитлар мавжуд эмас. Ана шундай муҳим шароитлардан бири мамлактнинг жаҳон ташқи савдосининг умумий ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичининг даражаси ҳисобланади. Бу борадаги иккинчи шарт эса, миллий валютага халқаро валюта бозорларида талабни мавжуд бўлиши ҳисобланади. Сўмга нисбатан эса, халқаро бозорларда талаб мавжуд эмас. Бу эса табиийки, сўмдан

интервенция воситаси сифатида, валюта паритетлари ва валюта курсларини аниқлашда базавий валюта сифатида фойдаланши имкониятларини йуққа чиқаради.

Тўлов балансининг жорий операциялар ҳисоби бўйича миллий валютанинг алмашувчанлигини жорий этиш мамлакат иқтисодиётининг жаҳон тизимида киришида муқаррар юз берадиган жараёндир. Урушдан кейинги даврга оид бўлган ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон жорий операциялар бўйича конвертация масаласини ечишни кечиктириши мумкин эмас. Глобаллашув афзалликларидан фойдаланишни хоҳлаган мамлакат халқаро бозор фаолиятидаги қоидаларининг озгинасини бўлса ҳам қабул қилиши зарур, жорий операциялар каби бўйича конвертация эса шулар қаторига кирази. Бунинг зарурияти Ўзбекистондаги бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг паст даражасида ва ташқи савдо ҳажмининг пасайишида намоён бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, конвертациянинг жорий этилишидан энг кўп фойдани Ўзбекистоннинг ўзи кўради. Масалан, валюта чеклашларининг бекор қилиниши танлов имкониятини кенгайтиради, коррупция даражасини камайтиради, рақобатни кучайтиради ҳамда мамлакат учун фойдали бўлган саноат тармоқларини аниқлашга ёрдам беради. Макроиқтисодий миқёсда эса бу Ўзбекистонга соф валюта пасайишини ва инфляциянинг юқори суръатларини олдини олишга кўмаклашади. Бундан ташқи савдо ҳажмининг ўсиши нафақат Ўзбекистонга, балки савдо ҳамкорларимизга ҳам фойда келтиради. Бундан ташқари, конвертацияни чеклаб Ўзбекистон хорижий валютанинг “соғлом” манбалардан (бевосита чет эл инвестициялари ва экспортлардан) келишига тўсиқ бўлиб, капитал чиқиб кетишига сабаб бўлади. Импортни молиялаштириш ва қарзни тўлаш учун эса ҳукумат ўзининг валюта захираларини ишлатишга мажбур бўлади.

Жорий операциялар ҳисоби бўйича ташқи конвертацияни жорий этиш товар ва хизматлар импорти бўйича тўловларга нисбатан чеклашларни бекор қилишни англатади. Лекин бу резидентлар томонидан капитал билан

операцияларни (масалан, чет элга инвестиция қилиш ёки чет эл банкларида маблағларни сақлаш) амалга ошириш учун хорижий валютани сотиб олиш мумкинлигини англаб билиш. Амалда эса буларни ажратиш қийин, айниқса, бу нақд пулга тегишли бўлса. Айнан шунинг учун, ҳужжатлаштиришга бўлган асосли талаблар (мумкин бўлган юқори чегаралардан чиқувчи йирик ҳажмдаги маблағларни алмаштиришда зарур бўлган) 1-моддадаги талабларга тўғри келади. Кўпчилик мамлакатлар тажрибаси шундан далolat берадики, капитал чиқиб кетишини валюта чеклашларини (жорий операциялар бўйича ҳам, капитал билан операциялар бўйича ҳам) киритиш йўли билан тўсиш мумкин эмас. Резидентлар капитални олиб чиқиш усулини ҳар доим топа оладилар. Бу эса соғломиқтисодий сиёсатни ўтказиш, ижобий фойда ставкаларини қўллаш ҳамда инвестицияни қўллаб-қувватловчи иқтисодий иқлимни яратишни тақозо этади.

Бундан ташқари, алмашув курсини маъмурий усуллар ёрдамида тўғрилаш ва кучсиз бўлган пул-кредит сиёсати инфляциянинг кучайишига олиб келади.

Ташқи конвертациянинг жорий этилиши йирик субсидиялар олаётган банк ва корхонага, албатта, салбий таъсир кўрсатади, чунки улар хорижий валютани оширилган расмий курс бўйича сотиб олиш имтиёзига эга. Ўсиб боровчи хорижий рақобат халқарорақобатчилик шароитларига мослаша олмаган саноат соҳаларига таҳдид сола бошлайди. Кучли девальвация эса қарзни тўлашга ва импортга бўлган харажатларнинг ошишига олиб келади (буни айниқса, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар сезади).

Умуман, миллий валютани ташқи конвертациянинг жорий этилиши қўшимча халқаро ликвидликни талаб этмайди. Лекин бунда ҳукумат бозор механизмларига тўла кучда ва тез ишлашига ҳалақит бермаслиги керак, яъни ҳақиқатан талаб ва таклифга асосан шаклланивчи бирлаштирилган курсни белгилашга имкон бериши керак. Шунинг эслатиш керакки, валютани тартибга солиш тартибини эркинлаштиришга ўхшаш бўлган ислохотлар шароитида

мамлакат маълум сабабларга кўра ўзини тегишли халқаро ликвидлик билан таъминлаши мумкин. Бу сабаблар эса қуйидагилар:

биринчидан, ўтиш жараёнида мамлакатни экзоген характердаги шокдан суғурталаш (масалан, Ўзбекистон учун пахтага бўлган баҳонинг пасайиши ёки Польша учун нефть баҳосининг ошиши);

иккинчидан спекулятив хужумлар бўлганида алмашув курсини хорижий валютани сотиш йўли билан барқарорлаштириш қобилиятига эга бўлиш ва ниҳоят, солиқлар миқдорини оширмасдан аҳоли, корхона ва банкларга вақтинча ёрдам бериш.

Биз шуни тушинишимиз керакки, сўмнинг тўла конвертацияси қўйидаги масалаларни ечганимиздан сўнг таъминланади:

- ишлаб чиқариш ва экспорт таркибини яхшилаш, технологик қолоқликка барҳамбериш;

- меҳнат унумдорлиги ва мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини ҳамда халқаро бозорда рақобатбардошлигини ошириш.

Кўпчилик мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, жорий операциялар бўйича барқарор конвертация иқтисодий етуклик даврида таъминланади. ХВФнинг тўла конвертацияни талаб этувчи VIII-моддаси Испания, Португалия, Греция, Исроил, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Корея, Филиппин ва Таиланд каби мамлакатлар томонидан фақат 1990 йили қабул қилинган. 2003 йилнинг 15 октябрида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Халқаро Валюта Фонди низоми VIII-моддасининг 2-бўлим А-банди, 3-4 бўлимлари бўйича белгиланган мажбуриятларни қабул қилди. Ушбу мажбуриятлар сўмни тўлов балансининг жорий операциялари бўйича хорижий валюталарга эркин алмаштирилишини ўз ичига олади. VIII-модданинг 2-бўлим А-бандига мувофиқ, мамлакат ҳукумати жорий операциялар бўйича валютавий чеклашларни жорий қилишга ҳақли эмас. Ушбу модданинг 3-бўлимига мувофиқ, Ўзбекистон ҳукумати дискриминацион валюта сиёсатини амалга оширишга ҳақли эмас. Ниҳоят, 4-бўлимига мувофиқ, бошқа давлатлар

томонидан тақдим этилган сўмлар ўша мамлакатнинг миллий валютасига ёки СДРга конвертация қилиб бериши лозим. СДР Халқаро Валюта Фонди томонидан эмиссия қилинадиган халқаро ҳисоб бирлиги бўлиб, “жалб қилишнинг махсус ҳукуқи” деган маънони англатади. Аммо 2003 йилнинг 15 октябрга қадар олинган сўмлар бўйича Ўзбекистон ҳукумати 4-бўлим мажбуриятларини ўз зиммасига олмаган. Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахслари томонидан ишлаб топилган сўмлар фақат жорий операциялардан ишлаб топилган бўлиши керак.

Бу борада ташланган қадамнинг ўзи ҳамда ҳукумат ва Марказий банк томонидан сўмнинг алмашувчанлигига аста-секин ўтиш тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши, Ўзбекистон иқтисодий имкониятларининг чуқуртаҳлилига асосланган ҳолда бозор иқтисодиётининг олий стандартларига интилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ривожланаётган бошқа давлатлар каби маълум бир валютавий чеклашлар мавжуд. Уларнинг энг асосийси бўлиб, миллий валютани эркин конвертирланадиган валюталарга тулаконли конвертирлашнинг йуклигидир. Бу куйидагиларда намоён бўлади: ракобатбардош махсулотлар ишлаб чиқармокчи бўлган корхона ўзининг таркибини яхшилашга, янги технологиялар киритишга, малакали мутахассисларга эҳтиёж сезади.

Бир қатор давлатларнинг тажрибаси шуни курсатадики, эркин конвертацияга фақатгина иқтисодиётнинг маълум бир ривожланиш боскичида эришилади,

Хатто, Япония, Жанубий Корея ва Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа ривожланаётган давлатлари каби мамлакатлар ўзоқ вақт мобайнида турли шаклдаги валютавий чеклашларни куллашга мажбур бўлганлар.

Ўзбекистон Республикасидаги валюта муносабатларини такомиллаштириш, валюта бозори ва ундаги мавжуд валюта операцияларини, юқорида зикр этилган тадбирларни амалга оширилиши натижасида, янада

ривожланиши бу борада ҳозирги кунда мавжуд бир қатор муаммолар ва уларни ҳал этилиши билан боғлиқдир.

Ушбу муаммолардан биринчиси, республикада валюта бозори шакллари ривожланмаганлигида. Ҳозирги кунда валюта амалиётида фақат Республика Валюта Биржаси ва Биржадан ташқари бозорлар мавжуд. Валюта биржаси фаолияти ва миллий валюта “сўм” курсини шаклланишига тижорат банклари сезиларли таъсир эта олмайдилар, чунки биржадаги савдоларнинг асосий иштирокчиси Марказий банк бўлиб, у савдони назоратини олиб боради ва валюта курсини белгилайди.

Ушбулардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида валюта тўловларни ҳамда жалб этилаётган ва жойлаштирилаётган вақтинча бўш валюта маблағлари ва хорижий капитал муомаласини тезлаштириш имконини берадиган банклараро валюта бозорини янада ривожлантириш учун шароит яратиш зарур.

Иккинчи муаммо, республика ичкарасида ҳали ҳам валютанинг қора бозорини мавжудлигида. Қора бозор фаолияти ноқонуний бўлиб, унинг асосий иштирокчилари жисмоний шахслардир. Ушбу бозорни мавжудлигига асосий сабаб, бу биржадан ташқари бозорнинг валюта курси ва қора бозор валюта курси орасидан сезиларли фарқдир. Мазкур курслар фарқларини бартараф этиш учун ҳукумат ва Марказий банк хорижий валютага бўлган талабни бозор тамойилларига асосланган ҳолда қондирадиган механизмни шакллантириши ва ушбу механизм фаолиятини эркин амалга ошириш учун шароитлар яратиш бериши даркор.

Учинчи муаммо, нақд валюта муомаласи, яъни валюта айирбошлаш шаҳобчалари операцияларини соддалаштириш ва кўламини кенгайтиришдир. Ҳозирги кунда валюта айирбошлаш шаҳобчаларида фақат хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш операциялари амалга оширилади. Ривожланган давлатлар амалиётида эса валюта айирбошлаш шаҳобчалари, воситачилик ҳақи эвазига, муомалага яроқсиз бўлиб қолган эркин муомалада

юрадиган валюта яроқлисига алмаштирилади ҳамда ушбу носавдо операциялар банкка сезиларли даромад келтиради.

Тўртинчи муаммо, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта захираларини шакллантириш билан боғлиқ. Маълумки ушбу захирани тўлатишнинг муҳим манбаси, бу хўжалик юритувчи субъектлар ташқи иқтисодий фаолияти натижасида олган хорижий валютадаги тушумдан мажбурий сотув шаклида тўлайдиган тўловидир. Ушбу тўловнинг хажми эса бевосита хорижий валютадаги тушум хажмига боғлиқдир.

Бешинчи муаммо, албатта юқорида баён этилган барча муаммолар билан бевосита боғлиқ бўлган миллий пул бирлиги “сўм”ни бошқа хорижий валюталарга эркин айирбошланиш муаммосидир. Албатта, миллий валютани эркин айирбошланиш муаммосини ҳал этилиши мамлакат иқтисодий ривожланишига кенг имкониятлар очиб берган бўлур эди.

Олтинчи муаммо, республикамиз ички бозорида форвард, фьючерс, опцион, своп валюта операциялари ва уларнинг таалуқли бозорларини ривожланмаганлигидир. Ушбу операцияларнинг ривожланмаганлигига юқорида барча кўрсатиб ўтилган мамлакатимиз ички валюта бозорида мавжуд муаммолар сабаб бўла олади. Ўз навбатида уларни ҳал этиб борилиши билан ушбу валюта операциялари турлари ва бозорларининг ривожини учун шароит туғилади.

Бир қатор мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики миллий валютани эркин айирбошланишига улар иқтисодий ривожланишнинг ҳамда бозор иқтисодиқтига ўтишнинг қайсидир босқичида эришганлар. Бундай мақсадга эришиш товар ишлаб чиқаришнинг, меҳнат самарадорлигини, миллий маҳсулотларнинг сифатини, экспорт салоҳиятини оширишнинг янада тубдан яхшиланишини талаб этади. Мисол тариқасида шуни айтиш лозимки, ҳатто жадал равишда ривожланиб келаётган Испания, Португалия, Греция, Исроил, Жанубий Корея, Таиланд каби давлатлар миллий валюта конвертациясини таъминлашга тегишли ХВФнинг ВИИИ моддасига фақат 90-йилларга келибгина имзо қўйганлар.

Еттинчи муаммо, Республиканинг яна бир жиддий макроиқтисодий муаммоларидан бири бу унинг ташқи савдо балансининг ҳолатидир. Бу ерда бир фикрни айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон пахта, олтин ва бошқа рангли металл кўринишидаги экспорт салоҳиятига эга бўлиб, ушбу бозорларда жаҳон конъюктурасини барқарор ҳолати мавжуд бўлганда ўзининг савдо балансида ижобий салдони ҳамда керакли олтин ва валюта захираларини шакллантириш бўйича катта имкониятларга эга.

Ўзбекистон тижорат банкларида валюта олди сотдисида факт спот операциялар қўлланилади. Муддатли операциялар эса шаклланмаган. Буларга форвард операциялари, фьючерс ва опцион операцияларини келтиришимиз мумкин. Охирги йилларда своп операцияларини амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилган бўлиб бу тартиб Ўзбекистон тижорат банкларида валютаи операцияларни ривожланишида муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлса валюта операцияларини амалга оширишда тижорат банклари қонун ҳужжатларда белгиланган тартиблардан фойдаланишади.

Тижорат банклари валюта операцияларида юзага келган муаммолар қисқа муддатли бўлиб келгусида Ўзбекистон валюта бозорининг ривожланиши ҳамда валюта операцияларида эркинликларни ошиши натижасида улар ҳам такомиллашади. Буларни ривожлантиришда муҳим масалардан бири кадрлар илмий ва амалий салоҳиятини банк, валюта бозори ва валюта операцияларини ривожлантириш ҳисобланади.

3.2. Банк валюта операцияларини ривожлантириш истиқболлари

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришишидан олдин мамлакатимизда валюта бозори мавжуд эмас эди. Ички валюта бозорининг ривожланиши айнан 1991 йили сиёсий мустақилликка эришгач бошланган. ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозори икки сегментдан иборат:

1. Банклараро биржа валюта бозори. У Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси сифатида фаолият кўрсатади. Биржа валюта бозорининг Ўзбекистон валюта айланиши таркибидаги муҳим ўрни, 1992 йилдан бошлаб бу бозорда Ўзбекистон валюта бозоридаги операцияларнинг асосий қисми бажарилиши билан изоҳланади. Ҳозирги вақтда валюта биржаси фаолиятининг аста-секин диверсификациялашуви жараёни юз бермоқда. Биржа эса кўп томонлама биржа таркибига айланимоқда. Бунинг натижаси сифатида Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорини мисол қилиш мумкин. Улар бўйича савдолар, айнан, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида ўтказилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг биржадан ташқари валюта бозори. У 1997 йили Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарори билан 1997 йилнинг 1 январидан марказлашмаган экспорт бўйича товарлар сотуvidан олинган валюта тушумининг 30% ини корхона ва ташкилотлар томонидан марказлашган тартибда эмас, балки биржадан ташқари бозорда мажбурий равишда сотилиши бошланиши билан ривожланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлашича, Ўзбекистон валюта бозорининг ривожланиши истиқболи биржадан ташқари валюта бозорининг шаклланиши билан боғлиқ. Шунинг учун валюта бозоридаги муҳим таркибий ўзгариш бўлиб, биржадан ташқари бозордаги операциялар ҳажмининг ўсиши ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Марказий банк валюта бозорини ривожлантириш ва эркинлаштириш сиёсатини валюта биржасидан ташқарида олиб бормоқда. Валюта бозорининг аста-секин эркинлашуви 3 босқичга эга:

- биринчи босқич 1994 йилнинг апрелидан бошланган. Шу пайтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида савдолар фаол ўтказиб борилмоқда ва натижалар (валютанинг сўмга бўлган нисбати) нашр этилмоқда.

-иккинчи босқич 1995 йилнинг июни. Валюта операцияларининг янада эркинлашуви. 1995-1996 йилларда хорижий валютанинг сотув ҳажми 5 млрд. га етиб, иштирок этувчи банклар сони 4 мартага ошди.

-учинчи босқич, 1997 йили валюта операцияларининг биржадан ташқарида бажарилиши билан бошланди. Белгиланган чораларнинг мақсади валюта бозорининг асоси ва иштирокчилар таркибини кейинчалик кенгайтиришдан иборат. Ваколатли банклар томонидан валюта биржасида кўпчилик операцияларнинг амалга оширилиши билан биргаликда яқин келажакда биржадан ташқари валюта бозорининг барқарор равишда фаолият кўрсатишини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, валюта сиёсатини эркинлаштириш жараёнининг текислигини ҳамда биржадан ташқари валюта бозорининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2001 йили Жамланган барқарорлаштириш фонди (Консолидированный стабилизационный фонд) ташкил этилди. Фонд биржадан ташқаридаги валюта бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни сақлаб туришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Умуман бу фондни ташкил этишдан мақсад, биржадан ташқари валюта бозорининг талаб ва таклиф асосида шаклланишини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, алмашув курсининг барқарорлигини таъминлаш, бошқача қилиб айтганда, бу бозорда алмашув курсининг кескин ўзгариш ҳолларини олдини олишдир. Шундай қилиб, фонд валюта бозорининг салбий ўзгаришларига барҳам бериш учун яратилган.

Ўзбекистоннинг валюта бозори, ўз ривожига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози пайтида бўлган ва ривожланаётган генерация каби объектив қийинчиликлар ва салбий таъсир қилувчи омилларга дуч келмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистонда валюта захираларининг етишмаслиги муаммо бўлмоқда. Масалан, 1997 йили биринчи марта, ташқи савдо айланмасининг пасайиши кузатилди, яъни 1996 йилга қараганда унинг ҳажми 4,3% га камайган. Бугунги кунда вазият бирмунча яхшиланди. Экспортни рағбатлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ва

маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида республикаимиз тўлов балансининг, хусусан, ташқи савдо балансининг барқарорлиги сақлаб қолинди.

2015 йилда экспорт ҳажми сезиларли равишда ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркибида хом ашё бўлмаган тайёр таварлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этди. Импорт ҳажми 9 фоизга ўсиб, унинг таркибида машина ва ишлаб чиқариш ускуналари импорти 45,4 фоизни ташкил қилди. Ташқи савдо айланмасида ижобий салдога эришилди. Фикримизча, мамлакатимиз ўз валюта захиралари ҳажмини ривожланган давлатлар даражасига етказиши керак.

Бироқ бу масалани ҳал қилишда ҳукуматимиз томонидан 2006 йилда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим рол ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, яъни бунда асосан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш борасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ҳамкорликда молиялаштириш учун Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш билан сай-ҳаракатлар амалга оширила бошланди. Ҳозирги кунда жамғарма 5 млрд АҚШ долларида ортиқ низом жамғармасига эга бўлиб, 2016 йилгача унинг низом жамғармасини икки баробар, яъни 10 миллиард долларга босқичма-босқич кўпайтириш кўзда тутилган. Ўтган икки йил давомида ўнлаб йирик саноат ва инфратузилма иншоотларини молиялаштириш ва ҳамкорликда молиялаштириш учун Жамғарма томонидан 550 миллион АҚШ долларида зиёд миқдорда кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон валюта бозорининг ривожига иккинчи муаммо бўлиб сўмнинг алмашув курси муаммоси ҳисобланади. Амалдаги сўмнинг долларга нисбатан бўлган курси, улар қийматининг реал нисбатини акс эттирмайди. Қўлланувчи валюта чеклашлари эса валюта бозорининг ривожланишига тўсиқ бўлмокда. Бундай сиёсатнинг мақсади инфляция суръатларини ушлаб туриш ҳамда иқтисодиётни барқарорлаштиришдан иборат. Аммо валюта

курсини инфляцияга карши бундай восита сифатида қўллаш, ўтган йиллар тажрибасига кўра ўзини оқламади. Бундай шароитда алмашув курсини реал нисбатини аниқлашда ва экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш мақсадида валютавий девальвацияни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Учинчи муаммо бўлиб кичик бизнес субъектлари бўйича конверсион операцияларда валюта чеклашлар ҳисобланади. Ҳозирда ташқи иқтисодий фаолиятда нафақат йирик, балки кичик корхоналар ҳам иштирок этиб келмоқда. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, Республикани 2015 йилдаги ЯИМда 56.5 фоизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эгаллаган. Бугунги кунда мамлакатда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 77 фоизидан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилади. Уларнинг жаҳон бозоридаги фаолияти республикага, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун замонавий технологияларни олиб кириш, ҳамда хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилиш орқали чет эл сармоясини жалб қилиш имконини яратади. Кичик бизнес субъектлари ҳар қандай иқтисодий инқирозларда ҳам ўзининг бошқа соҳага тез мослашувчанлиги ва ўзгарувчанлик хусусияти билан бошқалардан ажралиб туради.

Тўртинчи муаммо Ўзбекистон валюта биржасида алмашув объекти қилиб АҚШ доллари ва ЕВРОни қабул қилинганлигидир. Молиявий инқироз шароитида халқаро савдони бир хил валютада амалга ошириш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки АҚШ Федерал Захира Тизимини ёки Европа Марказий банкининг кредитлар ва депозитларни фоиз ставкасига таъсир қилиш мақсадида чиқарган хулосаси бу валюталарни алмашув курсига жуда катта таъсир қилади.

Бу ва бошқа муаммоларнинг ўз вақтида ечимини топиши учун валюта бозорининг эркинлашувини жадаллаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жумладан, конверсион операцияларни ўтказишга эҳтиёж сезаётган ўрта ва йирик мижозлар учун банклар эксклюзив хизмат кўрсатишни (VIP-обслуживание) кўзда тутиши керак. Бундай хизмат кўрсатишнинг мақсади қуйидагича:

- мижоз активларини сақлаш ва кўпайтириш;
- валюта ва фоиз рискларидан суғурталаш;
- мижоз валюта захираларининг диверсификациялаш.

Йирик мижозларга узоқлаштирилган терминалларни ўрнатиш орқали хизмат кўрсатиш амалда қўлланилмоқда - бундай операцияларнинг иқтисодий самараси маълумдир. Масалан, «Ўзбекнефтегаз» ўзининг Рейтер терминалига эга.

FOREX операциялари бўйича эксклюзив хизмат кўрсатиш соҳасини фаоллаштиришнинг иқтисодий таъсири ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи корхоналарни рағбатлантирувчи самарали тизимини яратиб, ички валюта бозорининг ривожланишига туртки бўлар эди. Бундан ташқари, валюта операцияларини ўтказишда етакчи мамлакатлар валюталарига нисбатан қўлланадиган коэффициентлар бўйича халқаро қоидаларга риоя қилишни назорат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, банк тизими ва иқтисодиётнинг реал сектори ривождаги бугунги босқичида, менинг фикримча, FOREX операциялари бўйича банк хизматларини кенгайтириш зарур. Спот битимлари жаҳон валюта бозоридаги операцияларнинг катта қисмини ташкил этса ҳам, бу ягона восита ҳисобланмайди. Ҳозирда форвард ва своп операцияларининг валюта бозорларидаги ҳиссаси ошиб бормоқда.

Амалдаги spread бўйича чегарани бекор қилиш зарур. Қонунчиликка кўра сотув курси (offer) даражаси сотиб олиш курси (bid) дан 5 пунктга юқори бўлиши шарт. Валюта бозорлари фаолиятини ўрганиш натижалари шундан далолат берадики, spread банкларнинг жорий валюта операцияларини ривожлантиришда асосий пойдевор бўлиб ҳисобланади. Spreadнинг чекланиши эса бу пойдеворнинг бузилишига ва жорий валюта операциялар ривожининг тўхташига олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятида кичик бизнес субъектларини рағбатлантирилиши, шунингдек, эркинлаштириш жараёнини тезлаштиради.

Ўзбекистонда жаҳон бозорида фаол иштирок этувчи йирик корхоналар кўп эмас. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: Ўзкимёсаноат вазирлиги тасарруфидаги корхоналар, «Фарғонаазот» ИЧБ, «Навоийазот»ИЧБ, «Қўконсуперфосфат» АЖ, Тошкент трактор заводи, Олмалик тоғ-металлургия комбинати, Ўзбекенгилсаноат вазирлиги таркибидаги тўқимачилик комбинатлари, Пахтасаноат уюшмаси ва бошқалар. Ўзбекистонда бу йўналишда кичик бизнес корхоналарнинг ривожланиши валюта тушумларининг кенгайиши ҳамда экспорт диверсификациясига ёрдам берар эди.Ташқи бозорда ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаолияти иқтисодиётимиздаги сифат жиҳатдан янги ҳолдир. Мустақил хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи бозорга чиқиши, иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик муносабатларига мослашиши ва очиқ турдаги иқтисодиётнинг шаклланишига туртки бўлади.

Бутун дунё, МДХ мамлакатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси учун эркин савдо ва дунё миқёсидаги инвестицион фаолият истиқболларидан иборат бўлган имкониятларни очадиган ҳал қилувчи пайт келмоқда. Бундай истиқбол инсоният кўплаб асрлар давомида эриша олмаган иқтисодий ва ижтимоий фойдани кўпайтиришга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг сессиясида шуни таъкидладики: «Бутун жаҳонда оммавий глобаллашув жараёни кетмоқда. Жаҳонда қанча бўш турган маблағ борлиги, улар ҳисобига "кўрсатиладиган ёрдам ва инвестиция сифатидаги қуйилмаларнинг ҳажми, ҳамда қўйилган маблағлардан келувчи фойда миқдори ҳаммага маълум. Қайси мақсадлар учун, қайси тармоқ ва ишлаб чиқаришларни ривожланиши учун? Айнан шу саволлар жаҳон иқтисодий ва бошқа сиёсатда биринчи даражали аҳамиятга эга.Биз хориждаги йирик обрўли компанияларга, бадавлат банкларга халқаро молия ташкилотларига қонунларимиз мазмунини кенг тушунтиришимиз ва уларни чуқур тушунишини таъминлашимиз керак. Биз уларга шуни етказишимиз лозимки, бизнинг сиёсий, иқтисодий ва молиявий баркарорлигимиз - бу ҳар қандай инвестиция учун асосий ва энг

ишончли гаровдир.Биз инвестициялар учун кафолатни таъминлаб, зарурий кулай шарт-шароитлар яратмоқдамиз ҳамда юқори фоизлар бермоқдамиз. Ўзбекистонга маблағ сарф этаётган инвестор бу ерда ўз капиталидан,бошка ерга қараганда кўпроқ фойда олишига қатъий ишониши керак”.

Мамлакатда валюта бозори такомиллаштиришганлик даражаси эса баҳс иштирокчилари, яъни хорижий инвесторлар томонидан ўз мақсадларига эришиши учун фойдаланиладиган асосий воситалар қаторига киради. Алоҳида мамлакатларнинг у ёки бу ҳаракатлари оқибатида юзага келувчи валюта курсларининг тебраниши молия-кредит операциялар самарадорлигига муҳим ўзгаришлар киритади. Валюта рисклари фирмаларни валюта қоплашларнинг ҳар хил шаклларидан фойдаланишга ҳамда курсларнинг ўзгариш истикболларини батафсил равишда ўрганиб чиқишга мажбур этади.

Олдинги иқтисодий механизмдан қайтиш, ташқи иқтисодий алоқаларнинг эркинлашиши ҳамда алоҳида корхона ва банкларнинг ташқи бозорларга чиқиш билан валюта назоратини туғри амалга ошириш муаммоси улар фаолиятининг асосларидан бири бўлиб қолди. Янги шароитда сўмнинг тебраниши баҳолар ўзгаришига олиб келиб, молиявий оқим ва пул массасига таъсир этган ҳолда, умуман иқтисодиётни ўзгартирди.Экспорт ва импорт ривожига ҳам валюта курси таъсири остида қолди. Шу муносабат билан жаҳон савдосига валюта бозори таъсири механизмларини ҳамда уни замонавий шароитда такомиллаштириш хусусиятларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда халқаро иқтисодий алоқаларнинг ҳар томонлама кенгайтириш ва ривожлантиришга йўналтирилган сиёсат изчиллик билан олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси турли соҳаларда (жумладан,валюта соҳасида) халқаро муносабатларни тартибга солувчи конвенция ва келишувларнинг кўп миқдорини имзолади, ҳамда кўпчилик нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди.

Бундан ташқари, сўмнинг харид килиш қобилиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақат валюта операцияларини такомиллаштириш ва мавжуд валюта захираларининг ишлатиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган, балки Республиканинг истеъмол бозорини жаҳон стандартларига жавоб берувчи юқори сифатли товарлар билан туйинтириш, чет эл сармоясини жалб қилишни рағбатлантириш, ўзимизнинг рақобатбардош маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт ҳажмининг кенгайтирилишига қаратилган бир қатор чора тадбирлар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини ривожланишига қўйидаги омиллар сабаб бўлар эди:

- экспортни рағбатлантириш мақсадида иқтисодиётни реал секторига тўғридан тўғри киритиладиган хорижий инвестициялар салмоғини ошириш;
- банк хизматларига бўлган тарифларнинг пасайтирилиши;
- валюта тушумларини кўпайтириш мақсадида халқаро туризмни ва у билан боғлиқ сервис инфратузилмасини ривожлантириш;
- банк ишчиларининг ривожланган мамлакатларда амалиётни ўтиш йўли билан малакасини ошириш;
- тижорат банклари ўз бўлимларининг телекоммуникация тизимлари билан таъминланишига эътибор бериши керак.

Ўзбекистон Республикасида валюта бозори ва валюта операцияларини ривожлантириш ҳамда уларни такомиллаштириш учун қўйидагиларни амалга оширишни таклиф этамиз:

- ◆ биржадан ташқари валюта бозорини, айниқса банклараро валюта бозорини янада ривожланиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиш. Яъни, банклараро бозор фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи қонун қоидаларни қабул қилиш, ушбу бозор фаолиятини таъминловчи молиявий воситачилар ва эркин муҳит ҳамда молиявий маълумотлар ёки ахборотлар очиқ-ойдинлигини таъминлаш.

◆ ”Қора бозор”ни йўқ қилиш ва валюта курсини Марказий банк томонидан назорат этилиши ҳамда мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун биринчидан, нақд хорижий валюта муомаласи борасида мавжуд валюта чекловларини бекор қилиш, иккинчидан, валюта биржаси савдо жараёнида иштирок этувчи субъектлар ва операциялар кўламига бўлган чекловлар бекор қилиниши лозим. яъни, Марказий банк ва тижорат банклари валюта ресурслари ёрдамида валюта айирбошлаш шаҳобчалари орқали жисмоний шахсларнинг нақд валютага бўлган талабини қондириш ва ушбу орқали нақдли валюта курсини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

◆ валюта биржасида бўладиган савдо сессияларида хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда валюта захиралари ҳисобига интервенция инструментида фойдаланган ҳолда давлатнинг иқтисодий сиёсатига мувофиқ валюта курсига таъсир этиш ва уни мувофиқлаштириш жараёнларини ўз назоратига олиш.

◆ нақд валюта муомаласи, яъни валюта айирбошлаш шаҳобчалари операцияларини соддалаштириш ва кўламини кенгайтириш учун шаҳобчаларнинг сотув ва сотиб олув операцияларига мавжуд барча чекловлар ва сотувчи ҳамда сотиб олувчиларни махсус рўйхатга олиш тартибини бекор қилиш зарур. Бундан ташқари, валюта шаҳобчалари нафақат валюталарни олди-соттиси, балки муомала учун яроқсиз бўлиб қолган купюраларни яроқчиларига алмаштириш операциялари билан шуғулланиши лозимлигини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ХУЛОСА

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди.

Тижорат банкларининг валюта бозоридаги ролини ривожлантириш уларнинг валюта операцияларини амалга ошириш ва валюта операцияларини ҳисобини ташкил этиш масалаларини ўрганиш ҳамда такомиллаштиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтда, дунё амалиётида амалга ошириладиган барча операциялар амалга оширилмайди. Ўзбекистонда валюта операцияларини амалга оширишда бир қатор муаммолар бор ва уларнинг ечилиши валюта бозорининг анча ривожланиши ва валюта операцияларини амалга оширишда дунё андозаларига етишга кўмак берган бўларди.

Ҳозирда Республикамизда тижорат банклари валюта операцияларини ривожлантириш борасида жиддий муаммолар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Хорижий валюталарга бўлган барқарор талабнинг юзага келмаганлиги бу ҳолатда Республика валюта биржасида АҚШ долларини сотиб олишга талаб узлуксиз ошиб бораётганлиги кўрилади. Бунинг натижасида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашинув курси тўхтовсиз пасайиб бормоқда.

2. Мамлакат жорий валюта бозорининг ликвидлигини таъминлаш имконияти юзага келмаган. Бунинг натижасида Ўзбекистон банклари томонидан муддатли валюта операциялари деярли амалга оширилмайди.

3. Корхона ваташкilotларнинг жорий валюта ҳисоб варақаларини юритиш тартиби ҳаддан зиёд расмийлаштирилган ва битимларнинг объектига қараб йўналтирилган. Натижада корхоналар фақат белгиланган товарларни харид қилиш учунгина тўловни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

4. Тижорат «софт»курсларининг бозор баҳосини шакллантиришда айрим муаммоларни мавжудлиги. Бу жорий савдо операцияларини, банкларнинг депозит ссуда операцияларини амалга оширишга тўсқинлик қилади, чунки бунда курснинг кескин ва ғавқулотда ўзгариш хавфи сақланиб қолади;

Бу муаммоларни чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, уларни юзага келтирган шарт-шароитларни кўришимиз мумкин.

Валюта операцияларини ҳисобини юритишдаги асосий муаммолар куйидагилардир:

1. Банкларда жуда кўп валюталар қўлланилиши ва уларнинг курсини доимий ўзгариб туришидир.

2. Валюта курсини ўзгаришидан юзага келадиган фарқ банкнинг даромад ёки зарари сифатида акс эттирилиш. Аслида бу фарқ фойда ҳам зарар ҳам деб айтиш қийин. Сабаби мажбуриятлар ва активлар орасидаги муносабатнинг ҳолати бу фойда ёки зарар эканлигини ифодалайди.

3. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида банклар томонидан фақатгина ҳужжатлаштирилган аккредитив ва инкассодан усулларида фойдаланиш. Бошқа ҳисоб-китоб усуллари Ўзбекистон амалиётида қўлланилиши чегараланган. Халқаро амалиётда банк ўтказмаси, аккредитивнинг бошқа шакллари, чек ва векселлардан ҳам фойдаланилади. Бу усулларнинг жорий этилиши бунк бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга хизмат қилга бўлар эди.

4. Валютани биржадан сотиб олиш жараёнининг узоқ давом этиши, курс фарқини юзага келиши оқибатида бухгалтерия ҳисобида қайта баҳолаш ишларини қийинлашишига олиб келади. Валюта алмашув шаҳобчаларидаги валюта сотиш ва сотиб олиш операциялари ҳисобини

юритиш ҳам тўла шаклланмаган. Бунга сабаб: валюталарни бир хиллиги – фақат АҚШ доллари, валюта сотиш ва сотиб олишдаги чекловлар, қора бозор ва банк курси орасидаги фарқлар ҳисобланади.

Таҳлил натижалари асосида қуйидаги таклифларни бериш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман:

1. Валюта операциялари турларини кўпайтириш. Яъни муддатли валюта операцияларини жорий қилиш;

2. Халқаро ҳисоб-китобларнинг самарадорлигини ошириш, бунда Ўзбекистон иқтисодиёти учун қулай бўлган ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш;

3. Республикамиз йирик тижорат банкларининг халқаро валюта бозорлардаги иштирокини ривожлантириш;

4. Валюта оперцияларидаги чекловларни қайта кўриб чиқиш, капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини шакллантириш. Бунинг оқибатида Ўзбекистон инвестиция салоҳияти ошади;

5. Валюта операциялари ҳисобида кўп валюталик тизимни шакллантириш борасида уларнинг ҳисобини соддалаштириш, дастурлар ишлаб чиқиш ва бу соҳада ишлайдиган кадрлар илмий ва амалий билимларини ошириш;

6. Валюта курси орасидаги фарқларни ҳисобга олиниши халқаро ва миллий стандарларга мос равишда даромад ёки харажатга олишни мувофиқлаштириш;

Ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши Ўзбекистон валюта тизими ва банкларнинг валюта операцияларини самарадорлигини ошишига ҳамда валюталарни ҳисобга олинишини такомиллашувига олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Т. “Адолат” 2011
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасини Марказий банки тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни Т.: “Ўзбекистон”2011.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонуни Т.: “Ўзбекистон” 2010.
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонуни. Т.: “Ўзбекистон” 2011.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари.

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2016 й. ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги ” қарори.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.11.2010 й. ПҚ-1438-сон "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига еришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.04.2010 й. ПҚ-1317-сон "Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори

2.4. Тижорат банклари депозитларига ахоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.04.2009 й. ПҚ-1090-сон Қарори

2.4. Тижорат банкларининг инвестиция лойихаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2009 й. ПҚ-1166-сонли Қарори

2.5. “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 07.11.2007 й. Н ПҚ-726

2.6. “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 12.07.2007 й. Н ПҚ-670

2.7. “Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 19.12.2006 й. Н ПФ-3831

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

3.1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. “Халқ сўзи” 19.01.2013

3.2. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босичга кўтарадиган йил бўлади. Т.”Ўзбекистон” 2012. -366

3.3. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.: “Ўзбекистон” 2011. 546.

3.4. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: “Ўзбекистон”. 2009

3.5. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб беришдир: мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016 – 88 б.

IV. Асосий адабиётлар

- 4.1. Абдуллаева Ш.З. “Банк Иши” Т.: “Молия” 2005 й.
- 4.2. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Тошкент: Молия, 2002.
- 4.3. Алимов И.И. ва бошқалар “Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари” Т.: “ТДИУ” 2011 й.
- 4.4. Анна Эрлих «Технический анализ товарных и финансовых рынков». М.: «Инфра-М» 2004. -173с.
- 4.5. Балабанов А.И., Боровкова Вик. Банки и банковское дело: учебник. 2-е изд. –СПб.: Питер, 2009.-448с.
- 4.6. Банковские операции: учеб. пособ. для средн. Проф. Образования / под ред. Ю.И. Коробова. – М.: Магистр, 2007. – 446 с.
- 4.7. Банковские операции: учебное пособие / кол. авторов ; под ред. О.И. Лаврушина. - М.: КНОРУС, 2007. - 384 с.
- 4.8. Банковские операции: учебное пособие / кол. авторов; под.ред. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2010. – 384 с.
- 4.9. Банковское дело: Учеб. / Под ред. Г. Белоглазавой, Л. Кроливецкой - СПб: Питер, 2008. - 400с.
- 4.10. Банковское дело: Экспресс – курс: Учеб. пособ. / Под ред О.И. Лаврушина М.: Кнорус , 2008 -352с. Бурлак Г.Н., О.И.Кузнецова «Техника валютных операций». – М.: «ЮНИТИ» 2004.

- 4.11. Ермаков. С.Л. Основа организаций деятельности коммерческого банка. Учебник. – М.: КНОРУС, 2009 – 656с.
- 4.12. Жарковская. Е.П. Банковское дело: Учеб. - М: «ОМЕГА -Л»,2008 – 476 с.
- 4.13. Краливецкая Л.Н. Банковское дело: кредитная деятельность коммерческих банков: учеб. пос. – М.: КНОРУС, 2008. – 280 с.
- 4.14. Лаврушин О.И. Банковские риски. -М.: КноРус, 2008. -232 с.
- 4.15. Муллажонов Ф.М. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т. “Ўзбекистон” 2011.
- 4.16. Рашидов О. Ё. ва бошқалар. Пул, кредит ва банклар. Т.: “Чўлпон” 2011.
- 4.17. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник под ред. акад В.К.Сенчагова, А.И.Архипова. –М.: «Проспект». 2010. 366 б
- 4.18. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник под ред. акад Г.Б.Поляка. –М.: «ЮНИТА-ДАНА» 2010.
- 4.19. Acharya, V.V., Hasan, I., Saunders, A., 2006. Should banks be diversified? Evidence from individual bank loan portfolios. Journal of Business 79, 1355-1412.
- 4.20. Anderson, R.C., Reeb, D.M., 2003. Founding-family ownership, corporate diversification, and firm leverage, The Journal of Law and Economics 46, 653-684.
- 4.21. Baele, L., De Jonghe, O., Vennet, R.V., 2007. Does the stock market value bank diversification? Journal of Banking & Finance 31, 1999-2023.
- 4.22. Demsetz, R.S., Strahan, P.E., 1997. Diversification, size and risk at bank holding companies. Journal of Money, Credit and Banking 29, 300-313.

V. Қўшимча адабиётлар

- 5.1. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров. “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор

мақсадимиздир” маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув услубий мажмуа. Т. Иқтисодиёт.2010. – 214 б

5.2. Банк назорати бўйича Базель қўмитаси. Банк назоратига белгиланган талаблар (Базель I,II,III).

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

6.1. “Бозор, пул ва кредит” журнали.

6.2. “Банк ахборотномаси” газетаси .

6.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг йиллик ҳисоботлари

6.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботлари

VII. Интернет сайтлари

www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

www.uba.uz - Ўзбекистон банклар ассосиацияси

www.nbu.com - Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

www.ipoteka.uz – «Ипотека-банк» АТИБ

www.aloqabank.uz – АТ «Алоқабанк»